БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 272 (12.021)

Сешанба, 21 ноябрь 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Н. С. ХРУШЧЕВ Қозоғистонга келди

ЦЕЛИНОГРАД, 19 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик ходимларининг зонал кенгаши ишида қатнашмоқ учун бугун Қўриқ ўлкага келди. Бу кенгашда Қозоғистоннинг Қўриқ ўлка, Семипалатинск, Қарағанда, Шарқий Қозоғистон, Актюбинск ва Ғарбий Қозоғистон областлари вакиллари қатнашадилар.

Н. С. Хрушчев Целиноградга бораётганида «Ижевский» совхозида бўлиб, у ерда хўжаликни кўздан кечирди, совхоз директори Е. А. Зайчукова билан, мутахассислар билан суҳбатлашди. Клубда Н. С. Хрушчев совхоз ходимлари билан учрашди ва қисқача нутқ сўзлади.

ЦЕЛИНОГРАД, 19 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев «Ижевский» совхозидан Шортанди станцияси яқинида жойлашган Бутуниттифоқ Дон хўжалиги илмий тадқиқот институтига жўнаб кетди.

Н. С. Хрушчевга ҳосилни йиғиб оладиган ва ерни ишлайдиган ҳар хил машиналар кўрсатилди. Сўнгра институтнинг илмий ходимлари билан суҳбат бўлди.

Кечқурун Н. С. Хрушчев Целиноградга келди. Н. С. Хрушчев билан бирга совхозни ва институтни бориб кўрганларидан кейин КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюроси раисининг биринчи ўринбосари Г. И. Воронов, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Қозоғистон КП Қўриқ ўлка комитетининг биринчи секретари Т. И. Соколов ҳамда республика ва ўлканинг бошқа раҳбар ходимлари ҳам Қўриқ ўлканинг марказига келдилар.

БУТУН КУЧ—КПСС XXII СЪЕЗДИ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШГА

Ўзбекистон, Қозоғистоннинг жанубий областлари, Тожикистон, Туркманистон, Киргизистон ва Озарбайжон қишлоқ хўжалик ходимларининг Тошкент шаҳридаги кенгашида 1961 йил 16 ноябрда

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи



Азиз ўртоқлар!

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан сизларни чин қўнгилдан табриклашга ва Ватанимиз бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатингизга катта муваффақиятлар тилашга изоҳат бергайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўзбеклар ва қозоқлар, тожиклар ва туркманлар, озарбайжонлар ва қирғизлар Ўзбекистон пойтахтида аҳил, тўпишган оила бўлиб йиғилганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Мен бу ерда русларни, украинларни, белоруслар, бошқа қўпгина миллатларнинг вакилларини кўриб турибман. Сизлар умумий иш учун—коммунизм қуриш иши учун ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдасиз, бугун эса партия XXII съездининг қарорларини қабул қилиб яхшироқ бажаришни муҳокама қилиш мақсадида бирга тўпланишдингиз.

Улуғ Ленин шонли Коммунистик партиямиз вояга етказган СССР халқларининг бузилмас дўстлиги мана шунинг ўзида жуда ёрқин кўриниб турибди. **(Қарсаклар).**

Шарқда: вақт тонги емиради, сув тошни кемиради, дейдилар. Лекин Совет халқларининг дўстлиги вақтга бўйсунмайди. Пиллар ўтган сари бу дўстлик тобора мустаҳкамлана беради. СССР халқларининг ленинча дўстлигидан мустаҳкамроқ ҳеч бир материал табиатда йўқ. **(Гулдурос қарсаклар).**

Коммунизм қурилишининг буюк программаси

Сизларнинг кенгашингиз ажойиб бир вақтда, айтиш мумкинки, тарихий бир вақтда ўтпланди. Бундан икки ҳафта муқаддам партиянинг XXII съезди ўз ишини тамомлади, бу съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программасини қабул қилди. Биз йигирма йил олга назар ташладик, яқин келажагимизни кўрдик, бу келажакнинг номи коммунизмдир.

Ҳозир бутун мамлакатда партия ташкилотлари активларининг, меҳнаткашлар коллективларининг партия XXII съезди якунларига бағишланган йиғилишлари ўтмоқда. Мен ҳам сизларга ўз таассуротларимни гапириб бермоқчиман. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, партиямизнинг Ленин ишлаб чиқган биринчи ва иккинчи Программаларини қабул қилган иккинчи ва саккизинчи съездлардан кейин XXII съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, бутун жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг тарихида энг катта воқеа бўлди. **(Қарсаклар).** Йиллар ўтар, асрлар ўтар, лекин миннатдор инсоният 1961 йилнинг октябрини, КПСС Программаси — коммунизм қуриш Программасини тўла асос билан коммунизм қурилишининг конкрет плани деб айтмоқдалар.

Бизнинг Программамизни бутун совет халқи қизғин маъқуллади. Бу Программа коммунизмнинг орзу қилинган чўққиларини зўр машъал каби ёритиб турибди. КПСС Программасининг нурлари, партия тарихий XXII съездининг нурлари кенг ёйилиб, ер юзининг ҳамма бурчакларига бориб етади, халқларни мустамлакачиликка ва империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашга руҳлантиради. **(Қарсаклар).**

КПСС Программасига қардош коммунистик ва ишчи партиялар юксак баҳо берганликлари ва уни яқдиллик билан тақдирланганликлари бизни руҳлантирмоқда. Сизларга маълумки, съездда 80 дан кўпроқ коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари ҳозир бўлди. Шу фактнинг ўзи ҳам гоят катта аҳамиятга эгадир. Бизнинг планетамизда марксизм-ленинизмнинг ўлмас идеялари бориб етмаган мамлакат айтиш мумкинки, ҳозир қолгани йўқ. Қардош партияларнинг вакиллари Кремлдаги Съездлар саройининг минбаридан туриб партиямизнинг Программасини фахрланиб ҳозирги даврнинг коммунистик манифести деб атадилар.

Агар биз қардош партиялар билан биргаликда:

— Рост, КПСС Программаси — дарҳақиқат давримизнинг Коммунистик манифестидир, деб айтсак, бизни ҳеч ким камтарлик қилмаётир деб айбламас деб ўйлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлари томонидан бизнинг Программамизга берилган юксак баҳони бекад мамнуният билан қабул қилдик.

Улар: Сизларнинг Программангиз бизнинг ҳам Программамиздир. Улуғ Ленин партияси бизга ҳам коммунизм йўлини очиб бератётир, деб айтдилар. **(Қарсаклар).**

Бизнинг Программамиз бу қадар юксак тақдирланганлиги ленинизм байроғи остида олға бораётган қардош социалистик мамлакатларнинг қудратли бирлигини кўрсатувчи далилдир.

Халқимиз коммунизм қуриш Программасини амалга ошираётган ҳозирги вақтда мен бир бурчжуа «пайғамбари»нинг гапини эслатиб ўтмоқчиман. 1920 йилда Уинстон Черчилль Англиядаги «Дейли экспресс» газетасида бундай деб ёзган эди:

«Агар большевиклар бемаъни коммунизм системасидан воз кечмасалар мамлакат экономикаси ҳеч қачон нормага тушмайди, фаннинг тараққиёти тўхтаб қолади ва Россия қолоқ деҳқончилик томон юз тутади».

Энди «пайғамбарлар»нинг овози ўчиб қолди. Бизнинг мамлакатимиз Совет ҳокимияти йилларида жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бирига айланган бир пайтда улар нима ҳам дейишлари мумкин. Совет фани ва техникаси мисли кўрилмаган тараққиёт чўққисига кўтарилди. Бизнинг кемаларимиз космоса йўл очди. Ленин байроғини, коммунизм байроғини жаҳоннинг энг баландликларига кўтариб чиқди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Съездаги бирлик, иноқлик ва самимийлик XXII съезд делегатларида ва қардош партиялардан келган меҳмонларда сира, унутилмайдиган таассурот қолдирди. Делегатлар Марказий Комитетнинг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини яқдил бўлиб маъқуллаш билан қудратли ўн миллионли бутун партиямизнинг иродасини ифодаладилар. **(Қарсаклар).**

Партиямизнинг жипслиги ва монолитлиги XX съезд ишлаб чиқкан ленинча йўлнинг яқдиллик билан маъқулланганлигида. Сталин шахсига сиғинишни қоралашда, партиямизни Ленин йўлидан тойдиришга уринган Молотов, Маленков, Каганович ва бошқа таслимчиларнинг партияга қарши группасида қатнашганларни катъий фош қилиб ташлашда зўр куч билан намоён бўлди.

Съезд делегатлари коммунизм қуришнинг энг муҳим проблемаларини муҳокама қилаётганларида бутун партия, бутун совет халқи қўллаб-қувватлаётганлигини сезиб турдилар. Ўша унутилмас кунларда ишчилар, колхозчилар, олимлардан, корхоналар ва муассасаларнинг коллективларидан съезд президиумига минглаб хатлар ва телеграммалар келди.

Булар тўлқинлантирувчи ҳужжатлардир. Одамлар партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини сидқидил билан қувватламоқдалар. **(Давомли қарсаклар).**

Ана шу хат ва телеграммалардан бир нечтасини ўқиб беришга рухсат этгайсиз:

— Мен партия аъзоси эмасман,—деб ёзади Днепродзержинск шаҳридан экскаватор машинистининг ёрдамчиси ўртоқ Матях.—Агар менга «Сиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программасига қандай қарайсиз?» деб савол бериладиган бўлса, мен ҳеч ўйлаб турмай: «Бу Программадан ҳурсандман ва уни бошдан-оёқ маъқуллайман!» деб жавоб берар эдим. Чунки Ленин партиясининг Программасида ёзилган нарсалар ҳар бир совет кишисининг қалбига яқин ва азиздир, унинг истак ва орзуларини ифодалайди. Бугун биз сен жонажон партиямизга мурожаат қилиб айтамизки:

— Бизни коммунизм ғалабаси сари олға олиб боравер! **(Қарсаклар).**

Студент ўртоқ Сурейбанинг Тошкентдан юборган хатида эса қуйидаги сатрлар бор:

— Мен поэзиядан йироқман, аммо коммунизмнинг бўрон қўши бўлган XXII съезднинг иши тўғрисида прозада бирон нима дейиш қийин. Шундай бўлса ҳам шуни айтаманки, мен энг бахтли кишиман, коммунизм қураётган ва коммунизмда яшайдиган авлоднинг вакили бўлганим учун ҳам бахтиёрман. **(Қарсаклар).**

Кострома область Макарьев шаҳрида яшовчи пенсионер ўртоқ Муравьев бундай деб ёзади:

— Бизнинг мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг улуғвор Программаси муҳокама ва қабул қилинаётган шундай ажойиб байрамни кўришга муяссар бўлганим учун бекад хурсандман. Партиянинг янги Программаси — бутун инсониятнинг бахтиёр, қувноқ ҳаёти учун курашда бизнинг ленинча байроғимиздир.

Ана шу қисқа-қисқа мактублар миллион-миллион совет кишиларининг фикрларини ифодаламоқда, уларнинг эски танишларимиз: Турсунқулов, Ортиқов, Хван, Эрсариев, Куликов, Матқобулов, Умрзоқов, Тюлко, Кўчиев ва бошқа кўп ўртоқларни кўриб турибман. Азиз дўстлар, сизларни табриклайман ва меҳнатингизда янги муваффақиятлар тилайман. **(Қарсаклар).** Пахтачиликнинг минглаб усталари тўғрисида энг яхши сўзларни айтсак, уларнинг номларини шу минбардан туриб тилга олсак арзийди. Лекин буларнинг ҳаммасининг номини бирма-бир айтиб чиқишнинг иложи йўқлигини ўзларингиз биласиз.

Кенгашингизда қатнашаётганлар орасида афсуски, хотин-қизлар кам, сўзга чиққанлар буни айтиб ўтишди. Бу адолатдан эмас. Сизларнинг хотин-қизларингиз ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан коммунизм қуришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Далаларнинг шонли меҳнаткашлари бўлган Турсуной Охунова, Люба Ли. Гизгаит Гасанова, Шарофат Баракаева ҳамда совет халқининг бошқа ўғлоқ шонли қизларининг номларини чуқур ҳурмат билан тилга олгим келади. **(Қарсаклар).**

Шарқнинг илғари чўри ва қул бўлиб келган хотин-қизлари ҳозир янги турмушнинг актив қурувчиларидирлар. Сизларга, ўртоқ хотин-қизлар ва сизлар орқали барча меҳнаткаш хотин-қизларга Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қизғин саломини айтаман. **(Қарсаклар).**

Ўрта Осиё республикаларининг меҳнаткашлари пахтачиликни ривожлантириш учун кўп иш қилдилар. Лекин шундай бўлса ҳам, имкониятлардан ҳали етарли фойдаланилмаётир. Яна бунинг устига кейинги икки йил ичида айрим республикаларда пахта етиштиришнинг камайиб кетишига йўл қўйилди.

Партия Марказий Комитети Туркманистонда пахтачиликнинг аҳволини кўриб, жиддий ташвишланмоқда. Бу республикада пахта ҳосили—мана қандай аҳволда. Республика колхозлари ва совхозлари ҳар гектар ердан 1958 йилда 20,5 центнердан, 1959 йилда эса 17,6 центнердан, 1960 йилда 16,3 центнердан ва 1961 йилда 15 ноябрга қадар 14,6 центнердан пахта олдилар.

Давлат ва республика колхозлари кейинги йилларда ирригацияга 130 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфладилар. Қорақум каналининг биринчи ва иккинчи навбатлари ва бошқа ирригация иншоотлари қурилди. Шу туфайли пахта майдони кўпайди. Айни вақтда пахтанинг ялпи ҳосили камайди. 1958 йилда 188 минг гектар ерга пахта экилиб, шу ердардан эса 384 минг тонна ялпи ҳосил олинди, 1961 йилда 243 минг гектар ерга пахта экилди, аммо 15 ноябрга қадар 348 минг тонна пахта териб олинди, холос.

Шундай қилиб, пахта экилган майдон 55 минг гектар кўпайган бўлса ҳам, республика пахтани кам етиштирадиган бўлиб қолди. Яна баъзи бир рақамларни келтираман, туркман ўртоқлар. 1958 йилда колхозларнинг фақат 14 процента ҳар гектаридан 15 центнердан кам пахта ҳосили олган эди. 1960 йилда эса колхозларнинг 30 процентдан кўпроғи ҳар гектаридан 15 центнердан кам ҳосил олди.

Ўртоқ Овезов баъзи янги совхозлар фойда келтирмаётир, деди. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, республикада совхозлар ташкил этилаётганида кадрларни олдиндан тайёрлаб қўймаётирлар, совхозлар малакали директорлар, агрономлар, шунингдек техникани эгаллаб олган бригадирлар ва ишчилар билан таъминланмаётир. Янги ерлар хийла кўп ҳосилдор бўлиши лозим эди, чунки одатда бу ерлар қўриқ ерлардир. Аммо бу ердар ёмон ишланмоқда, чунки одамлар техникани эгаллаб олган эмаслар. Ҳосилдорликнинг пастлигига сабаб мана шу.

Бу камчиликни тезда тугатиш керак. Янги совхозлар учун ҳам, пахта етиштиришда орқада қолаётган эски хўжаликлар учун ҳам яхши ташкилотчилар ва мутахассисларни танлаш ва тайёрлаш совхозлар ва колхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш керак.

Бугун биз Озарбайжоннинг ҳам пахта етиштиришда жиддий орқада қолаётганлигига индамасдан ўтолмаймиз. Республика колхозлари ва совхозлари ҳар гектардан 1955 йилда 18,8 центнердан, 1960 йилда 16,6 центнердан ва 1961 йилда (15 ноябрга қадар) 10,2 центнердан ҳосил олдилар.

Балки, Озарбайжондаги ерлар ёмондир? Йўқ. асло бундай эмас. Худди Озарбайжоннинг ўзида бир вақтлар пахтадан энг юқори ҳосил олинар эди, буни сизларга эслатиб ўтаман. Биз Озарбайжондаги звено бошлиқларининг номларини: ҳар гектаридан 80 центнердан пахта олган ўртоқ Қулиеванинг ҳамда ҳар гектаридан 82 центнердан ҳосил олган ўртоқ Вердиевакинг номларини шу залда 1954 йилда фахрланиб тилга олган эдик. Озарбайжон ерлари мана шунақа ҳосил бериши мумкин.

Озарбайжон тўғрисида гап бораётганлиги сабабли мен шу республика вакили, Жданов район партия комитетининг секретари ўртоқ Г. А. Гусейновнинг шу кенгашда сўзлаган нутқига йўл-йўлакай жавоб бериб ўтмоқчиман. Менга бу киши яхши ходим эканлигини, қишлоқ хўжалигини биладиган киши эканлигини, партия ишига кўтарилмасдан олдин совхоз директори бўлиб ишлаганлигини айтишди. Шундай бўлса керак. Ўртоқ Гусейнов райком секретари бўлиб ишлаб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги вазифаларини ҳал қилишда ўз қобилиятларини кўрсатади деб умид қилиш мумкин.

Пахтачиликнинг кучли суратда юксалиши халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир

Азиз ўртоқлар!

Партия XXII съезди коммунизм қуришнинг конкрет Программасини қабул қилди. Саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтириш топшириқлари белгилаб берилди.

Эндиликда съезд қарорларини астойдил меҳнат қилиб бажариш учун енг шимариб ишга киришмоқ керак.

Сизларнинг кенгашингиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездидан кейин ўтказилаётган қишлоқ хўжалик ходимларининг биринчи зона кенгашидир.

Ҳозир мамлакатимиз меҳнаткашларининг, бошқа республикалар ва областлардаги партия, совет ва комсомол ташкилотларининг эътибори шу кенгаш ишига қаратилган. Пахтакор республикаларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ишлаб чиқаришни янада юксалтирмоқ учун қандай конкрет йўллар белгилайдилар, улар коммунизм қуриш Программасини амалга оширишга яқин йиллар ичида қандай ҳисса қўшмоқчилар деб ҳамма қизиқмоқда.

Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалик ходимлари коммунистик қурилишда масъулиятли марралардан бирини эгаллаб турибдилар. Сизлар пахта етиштирасизлар. Пахта эса миллион-миллион кишилар учун кийим-кечакдир. Бинобарин сизларнинг қилаётган ишингиз халқнинг моддий фаровонлигини ошириш билан тўпа-тўғри ва бевосита боғланган.

Пахтачиликни ривожлантиришнинг конкрет вазифаларига муфассалроқ тўхталиб ўтишга изоҳат бергайсиз.

Республикаларингиз пахтакорларининг кейинги кенгаши бундан беш йил муқаддам бўлиб ўтган эди. Шу йиллар ичида колхозлар ва совхозлар олга томон жиддий қадам қўйганликларини қайд қилиб ўтиш қувончлидир.

Беш йил ичида (1956-1960 йилларда) етиштирилган пахтанинг йиллик ўртача миқдори КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумига қадар бўлган беш йиллик (1949-1953 йиллар) даврдагига нисбатан қуйидагича кўпайди:

Ўзбекистон ССРда 32 процент
Қозоғистон ССРда 35 процент
Тожикистон ССРда 33 процент
Озарбайжон ССРда 19 процент
Туркманистон ССРда 31 процент.
Киргизистон ССРда 18 процент.

Лекин бу, ўртоқлар, пахта етиштиришнинг ялпи миқдоридир. Пахта етиштириш асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига кўпайди. Ҳосилдорлик афсуски, секин ўсаётир. Шу давр ичида фақат айрим областларгина ҳосилдорликни анча оширдилар.

Шу йиллар ичида сизларнинг республикаларингизда пахтачиликнинг минглаб усталари ўсиб етишди, улар ўз меҳнатлари билан бутун Совет Ватанимизнинг шуҳратини оширмоқдалар.

Бу кенгашда ёш пахтакорлар ҳам, пахтачиликнинг ветеранлари ҳам қатнашмоқдалар. Мен ўзимга ҳамсомол ташкилотларининг эътибори шу кенгаш ишига қаратилган. Пахтакор республикаларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ишлаб чиқаришни янада юксалтирмоқ учун қандай конкрет йўллар белгилайдилар, улар коммунизм қуриш Программасини амалга оширишга яқин йиллар ичида қандай ҳисса қўшмоқчилар деб ҳамма қизиқмоқда.

Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалик ходимлари коммунистик қурилишда масъулиятли марралардан бирини эгаллаб турибдилар. Сизлар пахта етиштирасизлар. Пахта эса миллион-миллион кишилар учун кийим-кечакдир. Бинобарин сизларнинг қилаётган ишингиз халқнинг моддий фаровонлигини ошириш билан тўпа-тўғри ва бевосита боғланган.

Пахтачиликни ривожлантиришнинг конкрет вазифаларига муфассалроқ тўхталиб ўтишга изоҳат бергайсиз.

Республикаларингиз пахтакорларининг кейинги кенгаши бундан беш йил муқаддам бўлиб ўтган эди. Шу йиллар ичида колхозлар ва совхозлар олга томон жиддий қадам қўйганликларини қайд қилиб ўтиш қувончлидир.

Беш йил ичида (1956-1960 йилларда) етиштирилган пахтанинг йиллик ўртача миқдори КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумига қадар бўлган беш йиллик (1949-1953 йиллар) даврдагига нисбатан қуйидагича кўпайди:

Ўзбекистон ССРда 32 процент
Қозоғистон ССРда 35 процент
Тожикистон ССРда 33 процент
Озарбайжон ССРда 19 процент
Туркманистон ССРда 31 процент.
Киргизистон ССРда 18 процент.

Лекин бу, ўртоқлар, пахта етиштиришнинг ялпи миқдоридир. Пахта етиштириш асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига кўпайди. Ҳосилдорлик афсуски, секин ўсаётир. Шу давр ичида фақат айрим областларгина ҳосилдорликни анча оширдилар.

Шу йиллар ичида сизларнинг республикаларингизда пахтачиликнинг минглаб усталари ўсиб етишди, улар ўз меҳнатлари билан бутун Совет Ватанимизнинг шуҳратини оширмоқдалар.

Бу кенгашда ёш пахтакорлар ҳам, пахтачиликнинг ветеранлари ҳам қатнашмоқдалар. Мен ўзимга ҳамсомол ташкилотларининг эътибори шу кенгаш ишига қаратилган. Пахтакор республикаларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ишлаб чиқаришни янада юксалтирмоқ учун қандай конкрет йўллар белгилайдилар, улар коммунизм қуриш Программасини амалга оширишга яқин йиллар ичида қандай ҳисса қўшмоқчилар деб ҳамма қизиқмоқда.

Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалик ходимлари коммунистик қурилишда масъулиятли марралардан бирини эгаллаб турибдилар. Сизлар пахта етиштирасизлар. Пахта эса миллион-миллион кишилар учун кийим-кечакдир. Бинобарин сизларнинг қилаётган ишингиз халқнинг моддий фаровонлигини ошириш билан тўпа-тўғри ва бевосита боғланган.

Пахтачиликни ривожлантиришнинг конкрет вазифаларига муфассалроқ тўхталиб ўтишга изоҳат бергайсиз.

Республикаларингиз пахтакорларининг кейинги кенгаши бундан беш йил муқаддам бўлиб ўтган эди. Шу йиллар ичида колхозлар ва совхозлар олга томон жиддий қадам қўйганликларини қайд қилиб ўтиш қувончлидир.

Беш йил ичида (1956-1960 йилларда) етиштирилган пахтанинг йиллик ўртача миқдори КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумига қадар бўлган беш йиллик (1949-1953 йиллар) даврдагига нисбатан қуйидагича кўпайди:

Ўзбекистон ССРда 32 процент
Қозоғистон ССРда 35 процент
Тожикистон ССРда 33 процент
Озарбайжон ССРда 19 процент
Туркманистон ССРда 31 процент.
Киргизистон ССРда 18 процент.

Лекин бу, ўртоқлар, пахта етиштиришнинг ялпи миқдоридир. Пахта етиштириш асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига кўпайди. Ҳосилдорлик афсуски, секин ўсаётир. Шу давр ичида фақат айрим областларгина ҳосилдорликни анча оширдилар.

Шу йиллар ичида сизларнинг республикаларингизда пахтачиликнинг минглаб усталари ўсиб етишди, улар ўз меҳнатлари билан бутун Совет Ватанимизнинг шуҳратини оширмоқдалар.

Бу кенгашда ёш пахтакорлар ҳам, пахтачиликнинг ветеранлари ҳам қатнашмоқдалар. Мен ўзим-

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Бошн биринчи бетда)

Бироқ, унинг нутқи жиддий принципиал тузатишга муҳтож. Ўртоқ Гусейнов ўз нутқида ҳосилдорлиги паст бўлган ва ташкилий жиҳатдан заиф колхозлар негизида совхозлар тузиш зарур деб, гапирди. Бундай таклифни тўғри деб бўлмайди. Бу таклиф партиямизнинг колхозларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг зарур чораларини муҳокама қилишимизнинг нима хожати бор. Хўш, ҳозир биз чўнтагимиздаги пулнинг ҳаммасини чиқариб санаб беришимиз керакми? Мен сизларга чўнтагимни ағдариб, унинг ичида ҳеч нима йўқлигини кўрсатишим мумкин. Халқ пулларининг ҳаммаси давлат банкида ётибди, Менда ҳеч бир пул йўқ ва мен сизларга яхши истаклардан бўлак ҳеч нарса олиб келганим йўқ. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Менинг азиз ҳамкасабам, сиз билан биз партия комитетларининг секретарларимиз. Фарқ шуки, мен Марказий Комитет секретариман, сиз эса район партия комитетининг секретарисиз. Лекин бироз лавозимда ишлаш, айтиш мумкинки, ҳар кимга насиб бўладиган иш. Мен ҳам район партия комитетининг секретари бўлганман ва райком колхозларга бошқача тарзда қараганлиги яхши эсимда. Коммунистлар бутун кучларини колхозларни мустаҳкамлашга, колхозларда ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ривожлантиришга сарфлар эдилар. Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Охундов большевикча жўшқинлик билан шу районни Марказий Комитетнинг алоҳида ҳисобига олса, колхозларга яхши раҳбарларни танлаб олишда райкомга ёрдам берса, яхши бўлур эди. Боку шаҳрида бунинг учун муносиб кишилар топилади. Боку партия ташкилоти — шонли большевистик ташкилот. Чоризмнинг мудҳиш замонларида Боку партия ташкилоти Россиянинг кўп районларига нисбатан кўпроқ революцион садоқатли бўлиши ва сабот-матонати билан ҳаммага ўрнак бўлиб келган. Капитал маблағларни ҳам ишбилармон кишиларнинг қўлига бериш керак, аммо район колхозларига капитал маблағлар юбормасдан, балки ўз ишига меҳр қўйган қобилиятли, садоқатли коммунистларни юбориш керак.

Ношуд кишининг қўлида ҳар қанча капитал бўлса ҳам фойда келтирмайди. Аввало одамлар, кадрлар керак — асосий капитал мана шулардир. Агар колхозларга яхши ташкилотчилар келиб ишга тушсалар, кутилган ўзгаришлар жуда тез фурсатда рўй беришини кўраверасиз. Битта чинакам коммунист, ташкилотчи колхозга келиши билан одамларни жипслаштириб юборганлигини ва ҳудди шу одамларнинг ўзи ишлаб чиқаришда гоят катта ўзгариш ясаганлигини кўрсатувчи ўнлаб, юзлаб колхозларнинг номини айтиб беришим, бунинг мисолларини келтиришим мумкин. Бундай хўжалик икки-уч йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади. Яхши раҳбар бўлса колхозчилар мана шунақа ишларни қила оладилар. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Гусейнов ва бошқа ҳодимлар менинг бу гапларимни тўғри тушунишларини истар эдим. Агар мен ҳозир ўзимнинг шу гапимда: қаранг, райком секретари жуда ақлли гапни айтди, районга капитал маблағлар бериш керак, барча заиф колхозлар негизида совхозлар тузиш лозим ва ҳоказо десам, бунинг оқибати нима бўлур эди? Шу гапни айтганимдан кейин бундай совхозлар учун жуда катта маблағлар ажратиб беришимиз лозим бўлиб қолур эди, аммо қўйилган мақсадга эришмоғимиз ҳам маҳол бўлиб қолур эди. Ўша Озарбайжоннинг ўзида заиф колхозлар негизида тузилган ва хўжалик формаси шундай ўзгартирилганидан кейин, гарчи катта-катта капитал маблағлар олган бўлсаларда, бир қадам ҳам олға силжимаган совхозларни топиш мумкин.

Капитал маблағларнинг ўзигина ҳеч нарса бермайди, капитал маблағларни баъзан гиёҳ унмайдиган тошга ўхшатиш мумкин. Энг асосий капитал одамнинг ақлидрокидир. Агар раҳбарнинг ақлидроки, ғайрати бўлса, маҳсадни яхши тушунса, ишга садоқатли бўлса, одамларни ғайратлантиришни, уюштиришни, ўзига эргаштиришни билса, ана шунда шу одамларнинг ўзлари энг мураккаб вазифаларни ҳал қиладилар, капиталдан кўра каттароқ нарсани — янги, коммунистик ҳаётни вужудга келтирадилар. **(Қарсаклар).**

Бир мисолни айтиб бермасдан ўтолмайман. Мен бу ҳақда кўп гапирган эдим, ўзим туғилиб ўсган Калиновка қишлоғи тўғрисида ҳамиша завқланиб гапираман, унинг муваффақиятлари билан фахрланаман. Гарчи бу қишлоқда менинг яқин қариндошларим бўлмаса ҳам, лекин отпуска вақтимда деярли ҳар йили шу қишлоққа бораман. Ахир, мен Калиновкада туғилганман, ҳамқишлоқларимни қумсайман, уларнинг қандай яшаётганликларини билгим келади. Биринчи марта ҳамқишлоқларимнинг олдига 1946 йилда, урушдан кейинги қийинчилик вақтида борган эдим. Айтиш мумкинки, колхозда от ҳам йўқ эди, қоққани қозиқ ҳам йўқ эди. Бу қишлоққа боришимга Сталин билан бўлган гап сабаб бўлди. у мендан: сизнинг калиновкаликларингиз қалай яшаяпти? деб сўради. Мен: ёмон яшаяпти, деб жавоб бердим.

— Сиз уларга ёрдамлашсангиз бўлур эди, нега уларни унутиб қўйдингиз, уларнинг олдига боринг.

Мен бу гапни шунинг учун айтаётирманки, агар Сталин менга шу гапни айтмаганида эди мен 1946 йилда қилган ишимни қилмаган бўлур эдим. Бордим, кўрдим, деҳқонга нима керак деб ўйладим. Аввало от керак, ёнилғи йўқ, машиналар йўқ. Уша вақтда қўшинлар группасининг қўмондони бўлиб турган Ўртоқ Гречкога телефон қилдим. мен уни урушнинг биринчи кунлариданоқ билар эдим. Армия демобилизация қилинаётир, ҳарбийларнинг отлари, ҳар хил ўлжалари, эгар-жабдуқлари бор, унинг ёрдам беришини сўрайман, деб ўйладим. Ўртоқ Гречко ҳақиқатан ёрдам берди, отлар юборди ва МТСга иккита трактор берди.

Хўш, деҳқонлар бу ёрдам учун ташаккур айтишдилар, деб ўйлайсизми? Улар мени ичларида сўкишгандир, чунки отларни боқиш, парвариш қилиш керак. Колхознинг эса, силласи қуриган эди, одамлар меҳнат кунларига ҳеч нима олмас эдилар, моддий манфаатдорлик йўқ эди. Кўп кишилар колхоз ишига бутунлай чиқмас эди, ҳар ким ўз томорқаси билан овора эди. Шу сабабли мен Калиновка учун сўраб олган отларни бошқа колхозларга бериб юборишга тўғри келди. Қаранг, шунча нарса бепул берилди-ю, аммо колхозчилар олишмади. Бунақа ёрдамдан кейин ҳам колхоз бир қадам силжигани йўқ. Уша вақтда мен ҳамқишлоқларимни кўриб, жуда ачинар эдим, менда қандайдир галати хислар туғилар эди. Бир томондан, бутунлай вайрон бўлган қишлоқни, зинҳасиб қолган колхозни кўриш оғир эди. Иккинчи томондан эса, одамларнинг лоқайдлиги газаб хисларини туғдирар эди. Мен колхозчиларнинг йиғилишида нутқлар сўзладим, улар менинг гапларимни тинглаб тура беришди, лекин мен улар учун бамисоли Марсдан тушган, қаердандир пайдо бўлиб қолган ва сизлар ўз қобилиятларингизга ишонинг, деб даъват қилаётган киши сингари кўринар эдим. Уша мажлисдагилар орасида, бу одам бизнинг ярамизни тирнамасдан тезроқ жўнаб кетса ҳам бўлар эди, деб кутиб турган кишилар ҳам бўлган бўлса керак деб ўйлайман.

Энди, қишлоққа борганимда бошқача манзарани кўраман, одамлар завқланиб меҳнат қилишяпти, уларнинг бойлиги кўпайиб бормоқда, колхоз ўзгариб бораётганлиги, одамларнинг ўзи бошқача бўлиб қолаётганлиги кўриниб турибди. Улар қаддиларини ростлаб олдилар, кўкрак кериб юрибдилар, турмуш кундан-кунга яхшиланиб бораётганлигини кўриб турибдилар. Энг муҳими шуки, ҳамма гап ўз меҳнатларига боғлиқ эканлигини тушуниб олдилар.

Мен шундай одамларни ҳам кўрганманки, улар тахминан бундай деб ўйлардилар: Хрушчев катта мансабда ишлаяпти, у ўз қишлоғининг давлатдан катта ёрдам олишига ёрдам берди, шунинг учун ҳам калиновкаликлар умумхалқ пули билан бадавлат бўлмоқдалар. **(Шодиёна жонланиш).** Сизларга бир воқеани айтиб бераман. Мен Украинада ишлаган вақтимда бир киши менга қонунсиз илтимослар билан мурожаат қилиб, кўп вақтгача бошимни қотириб юрди, мен бу кишининг фамилиясини айтиб ўлтирмайман. Кейин, Москвада ишлаётган вақтимда ўша киши ёрдам сўраб, яна менга мурожаат қилаверди. Калиновканинг номи газеталарда кўп ёзиладиган бўлиб қолганлиги сабабли у ҳам ўз қишлоғига ёрдамлашишга қарор қилибди. Лекин қандай ёрдамлашиш керак? Москвага келиб: пул беринглар, деб талаб қилаверди. Унга: пул бермаймиз деб айтишди.

Нега бермайсизлар, — деб ғазабланди у. — Хрушчев туғилиб ўсган қишлоққа ёрдам бердинглар, аммо менинг қишлоғимга ёрдам бергиларинг келмайди. Хўш, ҳукумат қишлоқларга турли назарда қарар экан-да? Унинг бу гапига жавобан: йўқ нарсани гапириб юрманг, Калиновка ҳеч қандай текин ёрдам олгани йўқ, дейишди. Шундан кейин пихи қайрилган ўша киши Москвадан Калиновка қишлоғига борди. Қишлоқда икки ҳафта турди, калиновкаликлар қандай ёрдам олаётирлар, деб ҳаммадан суриштириб кўрди. Ниҳоят у Москвага келиб, виждонан ҳақор бўлиб айтдики: рост, мен ҳамма нарсани билиб олдим, Калиновкага ҳеч қандай текин ёрдам берилмаганлигига ишонч ҳосил қилдим. **(Шодиёна жонланиш, қарсаклар).**

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган эди. Калиновка қишлоғининг колхозчилари ўз хўжаликларини нима билан юксалтирдилар? Уларга қандай асосий кредит берилган эди? Колхозга яхши раис танлаб олдилар, аммо бу раисни танлаш осон бўлмади. Биринчи топилган киши қобилиятли ташкилотчи эди-ю, лекин касал бўлиб қолди, уни озод қилишди; иккинчи киши сайлаган эдилар, у ишга нолойиқ бўлиб чиқди; учинчи раис ҳам тўғри келмади. Мана, энди тўртинчи раис — Ўртоқ В. В. Грачев ишламоқда. У ишнинг юзини биладиган, соф виждонли, моҳир ташкилотчи. У партия ташкилоти билан бирга қишлоқнинг донгини чиқараётир. Колхоз яқиндагина гектаридан ўрта ҳисобда 7 центнер дон олар эди, 1961 йилда эса ҳар гектаридан 32 центнердан бугдой ва 24 центнердан жавдари олди. Гўшт ва сут етиштириш кўп марта ортди. Ҳозир қишлоқ гуллаб-яшнамоқда, иморатлар қурилмоқда. Колхоз бу иморатларни ўз пулига қурмоқда, колхозчилар бойликларини ўз меҳнатлари билан, ўз қўллари билан яратмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Давлат пуллари билан иморатлар қуриш жуда осон. Бизда шундай ходимлар ҳам борки, улар идорама-идора юрадилар, кредитлар сўрайдилар, бу кредитларни олиб пулларни совурадилар, кейин идорама-идора юришни яна такрорлаб, олинган қарзларни кечиб юборишни илтимос қиладилар. Баъзи ношуд раҳбарларнинг фаолияти шундан нарига ўтмайди, уларнинг коммунизм қуришда қатнашуви мана шундан иборат бўлмоқда. Бизда бунақа «қурувчилар» қанча камайса, биз олға томон шунчалик дадил бораберамиз. **(Гулдурос қарсаклар).** Энг муҳими, ўртоқлар, кадрлардир. Агар муносиб кадрлар танлаб олинмаса, ҳеч қандай пул, ҳеч қандай кредит, ҳеч қандай машина ёрдам бермайди.

Бундай мисоллар сизларнинг Озарбайжонингизда ҳам оз эмас. Сизлар ҳам мана шу таянч пунктларини қидириб топинглар, шуларга таяниб ишланглар, одамларнинг қалбида ғайрат ва жасорат ҳисларини туғдиринглар, ана шунда одамлар сизларга эргашади. **(Қарсаклар).**

Баъзан айрим ходимлардан: давлат кредитларни кам бераётир, ёрдамни кам бераётир, деган гапларни эшитишга тўғри келади. Давлат, ўртоқлар, — сизларнинг ўзингиз, халқнинг ўзидир, бинобарин, ҳар бир киши умумхалқ жамғармасига ҳисса қўша берганидагина давлат бой бўлади. **(Гулдурос қарсаклар).** Асаларичилар биладиларки, асалари қутиси тўлиб-тошиб турса, асаларилар ўзи еганидан кўпроқ асал тўпласа, бунақа асаларилар қутисини серҳосил дейишади. Асаларилар ўзи келтирган асалга қараганда кўпроқ асални еб қўя бошласа, бундай асалари қутиси қуриб қолади. Жамиятда ҳам худди шундай бўлади. Агар меҳнат унумдорлиги ўса берса, агар ишлаб чиқаришнинг ўсиши эҳтиёжнинг талабидан илдамланиб бора берса, жамиятнинг равнақ топиши таъминланади. Агар шундай бўлмаса, жамият орқага қараб кетади, олдинга силжимайди, хонавайронлик, қашшоқлик, ҳатто очлик ва ўлим муқаррар бўлиб қолади.

Шу сабабли, ўртоқлар, ҳар бир совет киши умумхалқ бойлигини кўпайтирмоқ учун ўзининг нима ишлар қилганлигини ўйлаши лозим. Масала мана шундай ва фақат мана шундай тахлитда туради. **(Давомли қарсаклар).**

Мен пахта мавзуидан бир оз четга чиқиб кетдим. Лекин шу айтилган гапларнинг ҳаммаси турмушимизнинг ҳамма томонлари билан, шу жумладан, пахтачиликни ривожлантириш билан ҳам боғланган гаплардир.

Ҳар бир колхоз ва совхоз гектаридан камида 25 центнер пахта олиши лозим

Пахтанинг ҳосилдорлигини оширишни, ҳар бир колхозда ва совхозда гектаридан камида 25 центнердан пахта олишни пахтачиликни ривожлантиришнинг конкрет вазифалари орасида энг зарур вазифа қилиб қўйиш керак.

Ўртоқ Расулов менга нисбатан толали пахта навларини етиштираётган колхозлар ва совхозлар учун мустаснога йўл қўйиб, уларга табақалаштирилган нормалар белгилаш, гектаридан камида 22 центнер ҳосил олиш вазифасини қўйиш керак деган гапни айтди.

Бу фикрга қўшилиш мумкин. Нисбатан толали пахта етиштираётган бошқа республикаларда ҳам, афтидан, шундай йўл тутиш керак. Бу йўл ҳам табақалаштирилган, яъни оқилона йўл бўлиши керак.

Ж. Расулов: Алоҳида навлар учун шундай қилиш керак.

Н. С. Хрушчев: Мен бошқа навлар учун ҳам шундай қилинишн мумкин деб ҳисоблайман. Қандайдир истисноға йўл қўйилишини талаб қиладиган турли шароитлари, масалан, тупроқ шароитлари ва бошқа шароитлар бўлиши мумкин. Лекин конкрет хусусиятларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилгандан кейингина бундай истисноларга йўл қўйиш, ўзбошимчалик ва шаблонга ўрин қолдирмаслик учун бу хусусиятларни олдиндан белгилаб олиш керак. Ҳозир энг муҳими шуки, ҳар бир областнинг, ҳар бир районнинг имкониятларини ўрганиб чиқиб, колхозлар ва совхозлар олдига конкрет вазифалар қўйиш керак.

Ҳар гектардан йигирма беш центнер пахта олиш — ўртача колхозлар ва совхозлар олаётган ҳосилдир. Илғор хўжаликлар кўпдан бери гектаридан 30-40 центнер ва ундан ҳам ошириб пахта олмоқдалар.

Конкрет мисоллар келтириб ўтаман. Тошкент областидаги «Политотдел» колхози (раиси ўртоқ Хван) бу йил 503 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 49.2 центнердан пахта олди; Жанубий Қозоғистон областидаги «Пахтаорол» совхози (директори ўртоқ Куликов) 6 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34.8 центнердан ҳосил олди; Сурхондарё областидаги «8 Март» колхози (раиси ўртоқ Қобулов) 905 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40.7 центнердан; Тошкент областидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози (раиси ўртоқ Матқобулов) 1760 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,6 центнердан; Тошкент областидаги «Правда» колхози (раиси ўртоқ Цой) 729 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,4 центнердан, Тожикистон ССРдаги Киров номли колхози (раиси ўртоқ Мирзоев) 1314 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил олди.

Лекин, бу ҳосил ҳам чегара эмас. Илғор бригадалар бундан ҳам юқори ҳосил олмоқдалар. Чунончи, Бухоро областидаги «Октябрь» колхозида Шарофат Баракаева бригадаси бу йил 122 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан пахта олди. Бригада учун бу ҳазилакам майдон эмас. **(Қарсаклар).**

Фарғона областидаги Ленин номли колхознинг бригадири Деҳқон Орипов 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 53 центнердан; Озарбайжон ССРдаги «Горадиз» колхозининг бригадири Аслон Ўруҳев 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил олди.

Шуни айтиш керакки, Ўрта Осиё республикаларида пахта ҳосилдорлиги жуда хилма-хил бўлаётганлиги кўриниб турибди. Ўзбекистонни олайлик. Республикада ҳаммаси бўлиб 948 пахтакор колхоз ва совхоз бор. Шундайми, Ўртоқ Рашидов?

Ш. Рашидов: Шундай.

Н. С. Хрушчев: Юз минглаб коммунисти бўлган, кучли партия ташкилотига эга республикага 948 колхоз ва совхоз тўғри келади! Бундай активлар билан тоғни талқон қилиш мумкин-ку, ахир. Одамларни моҳирлик билан танлаш, колхозлар ва совхозларни партия қўйган вазифаларни бажаришни таъминлай оладиган ишбилармон кадрлар билан мустаҳкамлаш керак. Шундай қилинмаса, ўртоқлар, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтириш тўғрисидаги нутқларнинг ҳаммаси қуруқ гап бўлиб қолаверади. Баъзи раҳбар яхши нутқ сўзлайди, унга қарсак чалади лар, кейин эса унинг нутқлари ўрмондаги садолек ўчиб кетади, яна жимжитлик бошланади, ишда ҳеч қандай силжиш бўлмайди. Фақат жанговар ташкилотчилик ишигина, кадрларни жой-жойига тўғри қўйишгина ишнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди. Қолоқ колхозларга ва совхозларга тажрибали ташкилотчилар ва мутахассислар бориб ишлагандагина, улар аҳволни ўзгартира оладилар.

Нутқ сўзламаса ҳам бўлмайди. Табиат одамга қимматбаҳо қобилиятлар берган: биринчидан, табиат одам муҳокама қилсин, ўйласин деб унга миялқл берган. **(Шодиёна жонланиш).** Иккинчидан, одамнинг гапиришн, ўзи ўйлаган нарсаларни ифодалаши учун тил, нутқ берилган. Тил одамлар ўртасида алоқа қилиб турншнинг муҳим ва зарур воситасидир. Лекин тил одамга бялиб, тушуниб фойдаланиш учун берилган. Нутқ сўзлашдан бошқани билмайдиган раҳбарни яхши раҳбар деб бўлмайди. Раҳбарликнинг энг муҳим жиҳати — одамларни танлай билиш, кадрларни ўргатиш, кадрларни ишлаб чиқаришнинг зарур қуролларя ва воситалари билан таъминлашдан иборатдир. Ана шундагина коллектив ҳаракатга тўсқинлик қилаётган эски нарсаларнинг ҳаммасини синдириб ташлаб, жадал қадам билан олға бора беради.

Бизда ҳамма жойда, шу жумладан, Ўрта Осиё республикаларида, Қозоғистонда ҳам ажойиб кишилар, қобилиятли ходимлар кўп. Уларни Совет ҳокимияти, Коммунистик партия вояга етказган. Одамлар ниҳоят даражада ўсганлиги бизнинг улуғ ғалабамиздир, бу ғалаба билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мен чет эл кишилари билан тез-тез гаплашиб тураман. Энди улар анча эҳтиёт бўлиб гапирадиган бўлиб қолдилар, лекин илгари бундай кишилар билан учрашилганда улар: сизлар мустамлакаларга қарши чиқаётирсиз, аммо ўзларингиз мустамлакачиларсиз, Ўзбекистон, Тожикистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари сизларнинг мустамлакаларингиз. деган гапларни айтишар эди. Мен бундай ҳолларда уларнинг гапларига жавоб бериб айтар эдимки, бўлмаса, сизлар шу «мустамлакаларга» боринглар, кўринглар. Масалан, Совет Ўзбекистонини бориб кўринглар, шундан кейин эса ўзингиз ҳоҳлаган империалистик давлатлардан бирининг чинакам мустамлакасини бориб кўринглар, ана шунда сизлар фарқни билиб оласиз.

Ҳақиқатан ҳам биз, рус кишиларига, чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаларидаги халқлар равнақ топганлигини кўриш ёқимли ва қувончлидир. Энгилкда ерларимизнинг ҳаммасида халқлар дўстлигининг ленинча байроғи ҳилпираб турибди. Мамлакатимиздаги ҳамма халқлар динидан, танасининг тусидан ва тилидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлидир. Биз социализм қурдик ва ҳозир аҳил оила бўлиб коммунизм сари олға бормоқдамиз. Энгилкда сизларнинг республикаларингиз таниб бўлмайдиган бўлиб қолди. Бу республикаларнинг қудратли саноати, юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги, илғор социалистик маданияти бор. Сизлардаги кадрларнинг ўсганлигини айтмай-сизми! Сизларнинг халқларингиз орасидан ажойиб олимлар, инженерлар, агрономлар, ёзувчилар, рассомлар, артистлар етишиб чиқди. Минг-минглаб ишчилар ва колхозчилар ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан бизнинг Совет Ватанимиз шуҳратини оширдилар.

Агар, масалан, Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа республикаларни чет эллардаги қўшнилари билан таққослаб қарасак, бемалол айтиш мумкинки, бу республикалар бир неча ўн йил олға ўзиб кетдилар. Бизнинг совет тузумимиз учун, ленинизм идеялари учун бундан кўра ёрқинроқ агитация бўлиши мумкинми!

Ҳар бир социалистик миллат коммунистик қурилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бизнинг ҳамма халқларимиз социализм нозу неъматларидан баббаравар баҳраманд бўлмоқдалар.

Буларни қандай қилиб мустамлака деб бўлади? Англияга ва Англиянинг Африкадаги мустамлакаларига бориб кўринг. Сиз уларнинг фарқини билиб оласиз. Мустамлакаларда миллион-миллион кишилар оч-ялангоч, аммо буржуазия айш-ишратда кўмилиб ётибди. мустамлака халқларини талаб, уларнинг меҳнатини бирткичларча эксплуатация қилиб, семирмоқда. Мустамлакачиликнинг ҳақиқий башараси мана шу!

Бизнинг совет жамиятимиз бошқача қонунлар асосида яшамоқда. Бизда одам одамга дўст. Ўртоқ ва қардошдир. Барча совет халқлари тенгдирлар, биз халқлар дўстлигини, социалистик миллатларнинг қардошларча ҳамкорлигини бундан буён ҳам энг қадрли нарса деб билиб мустаҳкамлай бера миз. **(Гулдурос давомли қарсаклар. Ҳамма ўринлан туради. Совет халқларининг бузилмас дўстлиги шарафига айтилган хитоблар эшитилади).**

Бир вақт Англияда бир министр менга, гўё мен унга бир сирни очиб беришим керакдек, шундай савол берди: «Жаноб Хрушчев, бизга айтиб беринчи, сиз Ўрта Осиё республикалари учун кадрларни қаердан оласиз?» Мен қанақа кадрларни айтаётирсиз дегандек бўлиб, унга қайрон бўлиб қарадим. У бўлса, ахир, у ерга кадрлар керак-ку деди. Мен бунга жавобан, у ерда кадрлар бор, Уша ернинг ўзида туғилаётир, Уша ернинг ўзида ўқимоқда, ўсмоқда, шу кадрларнинг ўзлари ўз республикаларини идора ҳам қилмоқдалар, дедим.

Бу гап мустамлакачиларнинг миясига сира сиғмайди. Чунки империалистлар мустамлакаларда иш лаш учун одамларни махсус танлаб оладилар. Уларни шунга яраша тарбиялайдилар. ўқитадилар. Улар шу кадрларга мустамлакачилик сиёсатининг вафоли ятлари бўлсин деб яхши ҳақ тўлайдилар.

Бизда шароит бошқача. Бизда ҳар бир киши ўзи учун, ўз жамияти учун ишлайди. ҳар бир киши бошқаларга намуна кўрсатиш, Ватаннинг бахт-саодати йўлидаги меҳнатда ўзини кўрсатиш учун яхши ишлашга интилади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ҳақиқатан ҳам, ўртоқлар, сизларнинг ажойиб кадрларингиз бор! Бироқ, шу нарса ачинарлики, сизда ўз имкониятларидан ёмон фойдаланаётган хўжаликлар бор. Ўзбекистонда 948 пахтакор колхоз ва совхоз борлигини айтиб ўтдим. Пахтадан ҳар йил мўл ҳосил олмоқ учун ҳамма хўжаликларда зарур шарт-шароитлар бор. Лекин улар фаолиятининг натижалари турлича бўлмоқда. Ўзбекистон колхозлари ва совхозларида пахтанинг 1960 йилдаги ҳосилдорлиги қандайлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

Ҳар гектардан олинаётган пахта ҳосили	Колхозлар ва совхозларнинг сони	Хўжаликларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида
15 центнергача	207	21,8
15 центнердан 20 центнергача	211	22,2
20 центнердан 25 центнергача	221	23,0
25 центнердан юқори	309	33,0

Шундай қилиб, республикадаги колхозлар ва совхозларнинг 67 процентн пахтадан гектар бошига 25 центнердан кам ҳосил олмоқда. Мана шу тўғрида ўйлаб кўриш ва мана шунинг устида ишлаш керак, ўзбек ўртоқлар!

Бошқа республикаларда пахтанинг гектаридан 25 центнердан кам ҳосил олган хўжаликлар барча колхозлар ва совхозларнинг Тожикистонда 70 процентини, Туркманистонда 87 процентини, Қозоғистонда 90 процентини, Озарбайжонда 86 процентини, Қирғизистонда 85 процентини ташкил қилади.

Бутун мамлакат миқёсида олганда бу нимани кўрсатади?

Агар мазкур колхозлар ва совхозлар ҳосилдорлик жиҳатидан гектаридан 25 центнер пахта олиш даражасига етказилса, фақат ана шунинг ҳисобига қўшимча равишда 1 миллион 360 минг тонна пахта олиш мумкин.

Бу вазифани ҳал қилишга — ҳар бир хўжаликда гектаридан камида 25 центнер пахта олишга қайси муддатда эришиш мумкин? Яхши раҳбарлар бундай вазифани кўпи билан икки-уч йилда ҳал қилмоқдалар, Баъзи мисолларни айтиб бераман.

Тошкент областидаги «Меҳнат бирлик» колхози 1959 йилда ҳар гектаридан 12 центнердан пахта олган эди. Бу колхоз 1960 йилда «III Интернационал» колхози билан бирлашди. Бу йил собиқ «Меҳнат бирлик» колхозининг пахта ҳосили гектар бошига 26 центнерга етди. Кўриб турибсизки, пахта ҳосили икки йил ичида гектарига 12 центнердан 26 центнерга етказилди.

Бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Ўртоқ Турсунқулов — менинг қадрдон дўстим, мен у билан 1954 йилда танишганман, — ҳар гектардан 30 центнердан пахта олар эди. Унинг ёнидаги бошқа колхозда пахта ҳосилдорлиги 11 центнер эди. Бу колхозлар бирлашгандан кейин орқада қолиб келган колхоз ерларида биринчи йили ҳар гектардан 26 центнердан пахта олинди. Бир йил ичида пахтанинг ҳосилдорлиги ўн бир центнердан йигирма олти центнерга кўтарилди. Ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш мана шунақа бўлади. Ер ўша, одамлар ўша-ю, аммо ҳосилдорлик икки баравардан зиёдроқ кўтарилди. Ўтмишда батрак бўлган ўртоқ Турсунқулов ҳозир катта одам, ажойиб пахтакор, ўз ишининг академиги.

Бунақа мисоллар кўп. Бу мисоллар ҳосилдорликни партия мўлжаллаган даражага қисқа муддат ичида кўтариш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир бригаданинг ҳол-аҳволини билиб олиб, ҳосилдорликни 25 центнерга қандай муддат ичида ва қандай резервлар ҳисобига етказиб олиш мумкинлигини конкрет белгилаб чиқиш керак.

Энг асосий масала—колхоз ва совхозларни кадрлар, тажрибали ташкилотчилар билан мустаҳкамлашдир

Ўртоқлар! Пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги янги вазифаларнинг ҳал қилиниши дастлаввал бизнинг доимий колхоз ва совхоз кадрларимизга, партия ташкилотларининг кишиларни танлай-билишларига боғлиқдир.

Қандай колхозлар ёрдамга муҳтожлигини аниқлаш муҳимдир. Илғор хўжаликларга мурожаат қилиб, бу колхозларни мустаҳкамлаш учун энг яхши кишиларни ажратишни илтимос қилиш керак бўлади. Колхозларнинг раислари ўзларининг энг яхши бригада бошлиқларини қолоқ колхозларнинг раислиги вазифасига, тажрибали колхозчиларни эса бригадирлик вазифасига тавсия қилишлари мумкин. Илғор колхозлардаги агрономлар ва бошқа мутахассисларни ҳам зинфоқ хўжаликларга тавсия қилиш мумкин. Колхозларда мутахассислар, бригадирлар, балки ҳатто раислар бўлиб ишлаш учун олий ўқув юртларини тамом қилиб чиқаётган, ташкилотчилик уқуви бўлган студентларни танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарнинг партия ташкилотлари ва коллективлари ўз корхоналаридан қишлоққа бориб, колхозчилар билан бирликда партия томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашга тайёр бўлган яхши кишиларни, ташаббускорларни ажратиш йўли билан колхозларга катта ёрдам беришлари мумкин.

Бу ишни сафарбар қилиш йўли билан эмас, балки ихтиёрийлик асосида амалга ошириш лозим, чунки сафарбар қилинган киши кўпинча расмиятчилик билан ишлайди, сафарбарлик муддати тугашини кутади, бунинг устига яна шундай кишилар ҳам борки, улар ишни барбод қилиб, тезроқ ўзларининг илгарги жойларига қайтиб боришни кутадилар.

Кадрлар тайёрлашнинг шундай бир мунтазам системасини ишлаб чиқмоқ керакки, бунинг натижасида қишлоқ хўжалигида ҳам, худди саноатда бўлгани сингари, малакали кадрлар етарли бўлсин.

Таянч-намуна колхоз ва совхозларда совхоз директорлари, колхоз раислари, бригадирлар ва агрономларнинг кенгашини ўтказинг. Таянч-намуна совхозларнинг директорлари ва колхозларнинг раислари қўшни хўжаликларда нима ишлар қилаётганлари, уларга пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда қандай ёрдам бераётганликлари ҳақида бу кенгашда доклад қилишлари лозим.

Кадрларни қаерда ўқитиш керак? Илғор хўжаликларнинг Турсунқулов, Куликов, Матқобулов каби кишиларидан ўрганмоқ керак. Тўғри, гап орасида шуни айтиб ўтаманки, олаҳакка менга хабар келтирди: гўё ўртоқ Матқобулов техникани ҳурмат қилмас эмиш. Бу гап тўғрими-нотўғрими, мен билмайман. Бордию ундай бўлмаса, у ҳолда мен ҳеч нима демадимму, сиз ҳеч нима эшитмадингиз. **(Ҳушчақчақлик. Қарсаклар).** Гасанова, Хван, Охунова ўртоқлардан ва бошқа илғорлардан ўрганмоқ керак, ўртоқ Тюпкодан ўрганмоқ керак — у ажойиб механизатор, ақлли киши, ўз ишининг кўзини билади, техниканинг қадрига етаолади, уни эгаллаб, одамларга ўргатаолади.

Раислар, агрономлар, бригадирлар бир неча ой давомида энг яхши хўжаликларда амалий иш қилишлари, бу хўжаликларнинг раҳбарларидан ўрганишлари лозим, шундан кейин улар ҳақиқатан ҳам катта мактабни ўтган бўладилар.

Буни амалда қандай бажармоқ керак? Албатта, энг яхшиси амалий таълимни ёз фаслида уюштирмоқ керак. Ахир, колхоз раисини ёки совхоз директорини ишлар қизиб кетган бир пайтда хўжаликдан олиб бўлмайди-ку. Агар у ўқишга кетиб қолса, хўжаликнинг аҳволи нима бўлади? Чамаси, мана бундай йўл тутиш керак бўлади: агрономлардан ва ўқув юртини тамомлаётган студентлардан, колхоз активларидан энг қобилиятли ўртоқларни танлаб олиб, қишлоқ хўжалиги усталари ҳузурига, илғор колхоз ва совхозларга юбориш керак. Бу ўртоқлар мазкур илғор хўжаликларда лоақал бир йил давомида амалий мактабни ўтсинлар. Иш ўрганиш учун келган киши ҳамма нарсани ўз кўли билан бажарсин, аммо у қўлида чўп ушлаб, уни қил, буни қил деб кўрсатиб юрмасдан, балки ўзи ишласин: трактор ҳайдасин, пахта терадиган машинани ҳайдасин, ғўзани суворсин. Хуллас, маълумотни бўлган, лекин ишлаб чиқаришдан хабардор бўлмаган баъзи кишилар сингари далага чиққанда ишдан ўлгудек қўрқадиган бўлмасин.

Мен ўзим ишчи бўлганман ва студентлар практикага қандай келганликларини эслайман. Улар, албатта, ўқимишли кишилар эди, лекин конкрет касб-корни билмас эди. Мен у вақтда слесарь бўлиб ишлар эдим. Биз ўз касбимиз билан фахрланар эдик ва баъзан уларни мазак қилиб қулардик. Шундай бўлар эдики, бирон студент детални қисқичга олишни билмас эди, зубилодан ва бошқа асбобдан қандай фойдаланишни билмас эди. Бу табиий. Студентларнинг амалий профессионал малакалари бўлмас эди. Улар олдида биз ўзимизни ўз ишимизнинг академиклари деб сезар эдик. Лекин п актикага келиб, дадиллик билан асбобни қўлга олган ва қорамойга беланишдан қўрқмайдиган инженерлар ва студентлар биз билан бирга ишлаб катта инженерлар, мутахассислар бўлиб қол

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши 1-ва 2-betларда)

Таянч-намуна совхоз ва колхозларда, — менинг фикримча энг яхшиси совхозларда, — агрономлар ва зоотехникларнинг малакасини ошириш мақсадга мувофиқдир. Эҳтимол, бунинг учун махсус совхозларни ажратиш лозим бўлар. Бундаги ўқитиш принципи бирмунча бошқачароқ бўлади. Агрономлар ва зоотехниклар, одатда, назарий жиҳатдан тайёрланган бўладилар, уларга бошқариш, ишлаб чиқаришни ва кишиларни ташкил қилиш методларини, ташкилотчилик иш усулларини ва малакаларини, агротехника ва зоотехниканинг энг прогрессив усулларини, илғор колхоз ва совхозларда, бригадаларда тўпланган агротехника ва зоотехниканинг энг прогрессив усулларини ўргатиш керак бўлади. Бу кишилар ўқиб таълим олиб чиққанларидан кейин совхоз директорлари, колхоз раислари ва бригада бошлиқлари бўлишлари мумкин.

Ҳозир устида сўз бораётган таянч-намуна хўжаликларни — мактабларни агар ўтмиш билан таққослаб кўрадиган бўлсак, саноат академияси, молия академияси ва бошқа шунга ўхшаш ўқув юртлари билан маълум даражада қиёс қилиб кўриш мумкин. Бу қаётий тажрибага эга бўлган, лекин назарий билимларни эгаллашга ва қишлоқ хўжалигини амалий олиб бориш учун энг яхши намуналарни ўрганишга муҳтож бўлган кишилар учун мактабдир.

Менинг фикримча, бундай мактаблар абадий давом этмайди. Бу вақтинчалик босқичдир, эҳтимол, бу мактаблар бизга 5-7 йил мобайнида керак бўлар. Шу вақт ичида қишлоқ хўжалик ўқув юртларимизни қайта қуриб, ҳозир саноатда қилаётганимиз сингари, улар орқали кадр тайёрлаш лозим бўлади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик ўқув юртлари ёшларни қабул қиладилар ва афсуски, уларни турмушдан, амалий ишдан ажралган ҳолда ўқитадилар. Натижада баъзи ёш мутахассислар ишлаб чиқаришни кўрмасдан, уни фақат дарсликлардан, экспонатлардан, муляжлардан, ўсимликларнинг қуритилган нусхаларидан ўрганадилар. Бу ҳол бизнинг социалистик шароитимизда кадрларга таълим беришнинг йўл қўйиб бўлмайдиган методидир. Қишлоқ хўжалик ўқув юртларига ҳаёт мактабини ўтмаган ёшларни қабул қилиш нотўғри. Кадрлар тайёрлашнинг энг прогрессив системасини яратиш тўғрисида шиорлар ташлашдан амалий ишга ўтиш пайти келди.

Шу билан бирга ёш мутахассисларга нисбатан кўпроқ ғамхўрлик қилиш ва уларга сабр-тоқат билан муомала қилиш зарур.

Институтларни тамомлаётган студентлар билан ҳозирги вақтда мен ҳам, сиз ҳам учрашиб турибмиз. Уларда куч-ғайрат, ҳаддидан ташқари ишлаш истаги кўп. Улар тезроқ бориб ишга киришишни истайдилар, лекин баъзи колхозларнинг раислари ҳамма вақт ҳам уларни қўллаб-қувватлай бермайдилар, нега бизга мунақа қизча ва йигитчаларни юборадилар, деб ҳафа ҳам бўладилар. Лекин шундай гап борки, ҳамма кексалар ҳам ёшлигида пионер бўлган. Ҳўш, институтда чол студентларни қандай қилиб топиш мумкин? Маълумки, институтга чолларни қабул қилмайдилар, чолларнинг ўзлари ҳам уйга бормайдилар. Бунинг сабаби маълум. Шунинг учун институтларда ёшларга фақат назариянигина эмас, балки амалий ишни ҳам ўргатмоқ керак. Бу ерда мактаб ўқувчиси Дилбар Юсупова сўзлади. У ишлаётган ўқувчилар бригадаси гектаридан 43 центнердан пахта олган. Ахир бу қиз умумий таълим мактабини эндигина тамом қилаётир-ку. Агар унга профессионал таълим берсангиз ундан яхши мутахассис етишиб чиқади ва, балки у кўп кексаларни йўлда қолдириб кетади. **(Залда жонланиш, қарсаклар).** Демак, одамга фақат ёшига қараб, унинг қачон туғилганига қараб баҳо бериб бўлмайди. Кишининг фазилатини унинг неча ёш яшаганлиги эмас, балки жамиятга қандай фойда келтириши, умумий ишга қандай ҳисса қўшиши белгилайди.

Бизнинг ёшларимиз ажойиб, ўқимишли кишилардир. Агар улар амалий тажрибани эгаллаб олсалар, профессионал билимларга эга бўлсалар, у вақтда биз хўжаликка раҳбарлик қилишда, коммунизм қурилишида муносиб ўринбосарларга эга бўламиз. Кеча бу ерда «Совой» совхозининг директори ўртоқ Саримсоқов сўзга чиқди. Биз ўртоқ Рашидов билан, унинг ёши 35 ларда бўлса керак, деб ўйлаган эдик.

Овоз эшитилади: йигирма саккиз.

Н. С. Хрущев: Мана, кўриб турибсизки, биз унга анча ёш қўшиб қўйибмиз, у эса директор, директор бўлганда ҳам қанақа директор денг: ундан ўрганмоқ керак. Ёки Украинадаги колхоз раиси ўртоқ Каунни олиб кўринг. У 33 ёшда. Лекин уни ҳозиргидек ўз ишининг академиги деса бўлади.

Шунинг учун ҳам биз кексалар ҳамиша ёшларни тўрткилаб, эй, оғзингдан она сутинг кетгани йўқку, бунча қаёққа суқиласан, деявермаслигимиз керак. **(Хушчақчақлик, қарсаклар).** Ёшларга дадилроқ йўл очиб бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш! Аммо кишини денгизга ёки дарёга ташлаб юбориб, энди билганингни қил; ё тўқиб кет, ёки ўзингни сақлаб қол деган тахлитда иш қилмаслик керак. Ёш ходимга мадад бериш, амалий мактабни ўтишга унга ёрдам кўрсатиш керак.

Агар биз, ўртоқлар, кенгаш тамом бўлгандан кейин резолюция қабул қилса-гу, ҳозир ҳамма иш қилиниб бўлди, энди бошқасига киришайлик дейдиган бўлсак, бундан ҳеч нима ўзгармайди. Лекин агар биз ҳозиргинг ўзида ҳар бир колхозни, ҳар бир совхозни олиб, ундаги кадрларни синчиклаб ўрганиб чиқсак, уларнинг ишни бошқаришга қобилияти бор-йўқлигини аниқласак, керак бўлган жойда қобилияти яхшироқ кишиларни танлаб олсак, ана шундагина муваффақиятга умид боғлаш мумкин бўлади.

Кенгашда «Ленинизм» колхозининг раиси ўртоқ Ортиқов сўзлади, мен унинг «Сельская жизнь» газетасида босилган мақоласини ўқидим. У бу ерда яхши нутқ сўзлади, завқ билан гапирди, баҳодирона гапларни айтди. У ҳақиқатан ҳам баҳодир киши, унинг раҳбарлигида жуда яхши хўжалик тузилган. Мен унинг исёнкор, эҳтиросли нутқини табриклайман. **(Қарсаклар).**

Биз коммунизм сари бормоқдамиз, биз коммунизм қурмоқдамиз. Лекин биров гектаридан 50 центнер, бошқа биров эса гектаридан 10 центнер пахта беради. Ҳўш, ким юриб боради ю, ким судралиб боради? Ҳўш, нима учун биз уларнинг ҳар икковини ҳам бараварига қўрувчилар деб атаймиз? Ҳўш, нега бундоқ қилинади?

Балки, бундай икки хил ҳосил олинишининг сабаби колхоз раисининг соғлигига боғлиқдир? Йўқ. Балки, механизациянинг даражасига боғлиқдир? Ундай ҳам эмас. Районнинг иқтисодий аҳволига боғлиқдир? Йўқ. Ундай бўлса, бундай икки хил ҳосил олинишининг сабаби нима? Бунинг сабаби раҳбарнинг қобилиятига, унинг ташкилотчилик талантига, унинг ишдасига боғлиқ. Ҳалима нарса одамнинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун агар колхоз раиси ёки совхоз директори, агар район раҳбари камида 25 центнердан ҳосил олиш лозим бўлгани ҳолда атиги 10 центнер ҳосил беришгагина қобил бўлса, у ҳолда бундай раҳбарнинг характерини ёки унинг ўзини ўзгартириш лозим бўлади. Бошқа илож йўқ. **(Қарсаклар).**

Бу қадар кўп тажрибали ташкилотчиларни қаердан топамиз? — деб айтишлари мумкин. Ўртоқлар, масалан, Ўзбекистонда мен хали айтиб ўтганимдек, минг колхоз ва совхоз учун 10 минг жангчини танлаб олиш мумкин эмасми. ахир? Бунча кадрни қаердан топамиз, деган гапга мен қўшилмайман. Шундай яхши қишилар борки, улар жангга отилмоқдалар, уларни ўқитиш, ўргатиш керак, уларга ишониш ва ёрдам бериш керак.

Ш. Рашидов: Шундай қилинади, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрущев: Сизларнинг шундай қилишингизга ишончимиз. Партия ва халқнинг манфаатлари шундай қилишни талаб этади. Биз заиф колхозларни, районларни илғорлар даражасига кўтаришимиз, халқда айтилгандек, уларни колоқлиқдан тортиб чиқаришимиз лозим. Агар тажрибали киши илдизи бақувват бўлган бирон нарсага ёпишса, кучли қўллари билан уни тортиб олмоқчи бўлса албатта тортиб олади. Лекин қўллар кучли бўлиши мумкин-у, аммо ташкилотчилик таланти, билими, маҳорати бўлмаслиги мумкин. Бундай киши тортиб чиқараман деб, тортиб чиқарадиган нарсаси устига ўзи ағдарилиб тушиши мумкин. Раҳбарлик ишида ҳам шундай ҳол бўлиши мумкин. Агар сиз заиф хўжаликларни тортиб чиқараолмасангиз, у вақтда заиф хўжаликларни республика, область миқёсидаги ва бошқа жойлардаги лавозимларингиздан тортиб туширишлари мумкин. Бундай ҳол бўлиши мумкин, ўртоқлар. **(Хушчақчақлик, қарсаклар).**

Биз ўз сафларимизни қайта куришимиз, ҳар бир кишига ўз қобилиятига яраша иш топиб беришимиз керак. Ахир, ўртоқлар, амалда нима бўляпти. Биз дастурхон атрофида ўтирганимизда, гектаридан 10 центнердан ҳосил олган киши кичикроқ қошиқ олишни истамайди-ку **(Хушчақчақлик).** Йўқ, у бошқалар олган қошиқдан қичиғини олмайди, ишни эса илғор кишидан 4-5 марта орқада судраб юради. Балки, гектаридан 10 центнердан пахта олаётган кишилар учун калта шим тикдириб, уларни қишда ҳам шу шимни кийдиришдан қилиш керак бўлади. Шундай қилганда калта шим кийган кишининг ҳосили ҳам кам эканлиги кўриниб туради. **(Хушчақчақлик, қарсаклар).** Токи бундай киши ҳали узун шим кийиш даражасига етмаганини ҳамма кўриб қўйсин. **(Залда жонланиш).** Бу албатта, ҳазил, ўртоқлар. Лекин мен сизлар бу ҳазилда бир қадар ҳақиқат топишларингизни истар эдим.

Тағин бир масала тўғрисида сўзлаб ўтмоқчиман. Сизлар Турсуной Охунованинг ва бошқа механизаторларнинг сўзларини эшитдингиз. Улар комплекс бригадаларга раҳбарлик қилибгина қолмай, балки ўзлари ҳам пахта териш машиналарини ҳайдайдилар. Лекин бизда шундай ҳол ҳам бўладики, бирон киши агар бригадир бўлса, у фақат кўрсатма бериб юради. Ахир, бу иш тўғрими? Нима учун ҳар бир бригадир портфель кўтариб юриши керак? Менинг фикримча, бу қилиқ эскириб кетган. Бригадир ҳам машина ҳайдайдиган бўлиши керак. Бригадир ўқимишли, профессионал билимга эга бўлиши, машинани бошқарабилиши, ўз бригадасини ташкил қилаолиши керак. Бундай бригадирни ҳамма ҳурмат қилади, чунки унинг ўзи ҳам меҳнат қилади, ўзи бошқаларга яхши намуна кўрсатади. Бундай бригадирнинг меҳнат ҳисоботини енгиллаштиришга ёрдам бериш, соддалаштирилган ҳисоботни ишлаб чиқиш, ҳисоб дафтарчаларини бостириб чиқариш зарур.

Агрономлар тўғрисида ҳам худди шуни айтмоқ керак. Агрономлар техникани билишлари, уни амалда тадбиқ қилаолишлари, ҳамунали иш билан ўрнак кўрсатишлари лозим. Колхоз ва совхозлардаги раҳбар кадрларимиз фақат маъмурий иш билан шуғулланиб, кўрсатма ва фармойиш бериб юришлари каби ҳолни тўғри деб бўлмайди. Бу нарса ходимларни нотўғри тарбиялайди. Шундай бўлиб чиқадики, етти ходимга етти бошлиқ бўлади. Бошқарув аппаратининг структурасини ўйлаб кўрмоқ керак. Агар биз бу масалани яхши тайёрласак, кишиларга тушунтирсак, уларни ўқитиб олсак, шундан кейин улар ўз ихтиёрлари билан машинани бошқарадиган бўладилар. Хўш, агроном машинани бошқаришдан нега уялади? У агар шундай қилса ишнинг кўзини билган ҳолда ерга ишлов берадиган бўлади. Эҳтимол, баъзи олимлар ва мутахассислар, ўртоқ Хрушчев бирмунча олдинга ўтиб кетди ёки агрономия фанини камситмоқда, деб айтишлари мумкин. Лекин, менинг фикримча, аксинча. Ишнинг кўзини билиб ишлайдиган агрономнинг ўзи колхозчилар ёки совхоз ишчиларининг кўзи олдида ўз қадр-қимматини ва агрономия илмини оширади. Кадрларимизни оқ билак қилиб тарбияламаслик керак.

Бунинг устига бизда колхоз раислари ва совхоз директорлари, бригадирлар қилиб кўтариш учун яхши кишилардан резервимиз бўлиши лозим.

Бирон раҳбар кексалиги, бетоблиги сабабли ишдан чиқиб қолса, ҳамиша унинг ўрнини босадиган муносиб киши бўлиши лозим.

Пахта, гўшт ва сут етиштиришни тўғри қўшиб олиб бормоқ керак

Суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланиш ва энг самарали алмашлаб экишни жорий қилиш масаласи алоҳида диққатга сазовордир. Сизнинг ерларингизда пахта етиштиришга афзаллик, биринчи ўрин бериш лозим. Пахтага — кенг йўл. Шу билан бирга гўшт ва сут етиштиришни ҳам кўпайтирмоқ зарур. Лекин бу ишни пахтачиликнинг ривожланишига зарар етказмасдан қилмоқ керак. Алмашлаб экишни тўғри ташкил қилиш зарур. Пахта экишини камайтирмаслик керак. Алмашлаб экишда ернинг мумкин бўлган кўп қисми пахта экини учун ажратилмоғи лозим. Алмашлаб экиш қандай бўлиши лозимлигини, экин майдонлари структурасини қандай тарзда қабул қилишни ҳар бир колхоз ва совхозда хўжалик шароитига қараб конкрет ҳал қилиш керак.

Тошкент областида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиков раис бўлган «Ленинизм» колхозининг экин майдонлари структураси диққатга сазовордир.

Бу колхозда экинзор ернинг 74 процентини пахта учун, 10 процентни беда учун, 7 процентни маккажўхори учун, 1,5 процентни оқжўхори учун, 1 процентни молга озиқ бўладиган канд лавлараси учун, шунингдек, сабзавот, картошка ва полиз экинлари учун ажратилган.

Экин майдонларининг структураси шундай бўлганда, колхоз пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда 1963 йилда юз гектар экинзор ер ҳисобига ўйилган вазнда 78 центнердан ва юз гектар бошқа қишлоқ хўжалиги ерларидан 16 центнердан гўшт етиштиришни белгилаган. Бу колхозда 1963 йилда ҳар юз гектар ерга 600 центнердан кўпроқ миқдорда сут етказилади. Сизнинг муҳокамангизга монокультура масаласини қўймоқчиман. Пахтакор районларда шундай бригадалар, колхозлар ва совхозлар борки, улар пахта ўрнига пахта экиб йилдан-йилга барқарор юқори ҳосил олмоқдалар. Уларнинг тажрибасини диққат билан ўрганиш ва умумлаштириш керак бўлади. Тожикистон республикасидаги Киров номли колхозда ўртоқ Алимов раҳбарлик қилаётган бригада 21 йил давомида пахта ўрнига пахта экиб келмоқда. Бригада далаларига доим гўнг солиб турилади. Бригада гектаридан 40-41 центнердан пахта олиб турали. Шу колхозда ўртоқ Исломов бригадаси 25 йилдан бери пахта ўрнига пахта экиб, ҳар гектаридан 41-43 центнердан ҳосил олиб келади.

Лекин ҳозирги вақтда ҳамма хўжаликларнинг монокультурага ўтиши учун, афтидан, ҳали вақт келмаган бўлса керак. Ҳозирча биз бу ишга тайёрланган эмасмиз. Монокультурага ўтганда кўпроқ минерал ўғитларга эга бўлмоқ зарур. Энг муҳими эса — гербицидлар бўлиши лозим, токи унинг ёрдами билан бегона ўтларга, зараркунандаларга ва экинларнинг касалланишларига қарши кураш олиб бориш мумкин бўлсин. Чунки айни бир экин кўп марта қайта-қайта экилаверганда бундай бегона ўтлар, зараркунандалар ва касалланишлар бўлиб туради. Бизда эса ўғитлар ва гербицидлар ҳали унча етарли эмас. Шунинг учун ҳозирги вақтда ақлга мувофиқроқ алмашлаб экишни тополмасак керак бўладики, бундай алмашлаб экишда пахта биринчи ўринда турадиган бўлсин. Совхоз ва колхоз раҳбарлари монокультура пахта ҳосилининг кўпайишини таъминлашга ишонган хўжаликларда монокультуранинг жорий этилишига ҳеч ким эътироз билдирмайди. Чамаси, келажакда ердан фойдаланиш шу йўлдан борса керак, бизнинг колхозларимизнинг ва чет эллардаги энг яхши хўжаликларнинг тажрибаси буни тасдиқламоқда.

Чорвачиликни кескин юксалтириш вазифасини ҳал этиш — мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришни талаб этади. Шундай қилиш керакки, ем-хашак етиштириш ҳамиша чорва молларининг сонининг ўсишидан олдинда борадиган бўлсин. Ўртоқлар, ҳар бир колхозда, ҳар бир совхозда керакли миқдорда ем-хашак етиштиришни қандай қилиб таъминлаш мумкинлигини ўйлаб кўринг. Алмашлаб экканда қайси экинга кўпроқ ўрин бериш керак бўлади ва бунинг натижасида ҳар бир гектардан қандай қилиб энг кўп миқдорда озуқа единицаси олиш мумкин бўлади? Илғор пахтакор хўжаликларнинг тажрибасига кўра, афтидан, алмашлаб экишда маккажўхорига, бедага кўпроқ ўрин беришга тўғри келади.

Тошкент областидаги «Политотдел» колхозида суҳбатлашган чогимизда хўжалик мутахассислари ва раҳбарлари оқжўхорига яхши баҳо бердилар. Ўртоқ Турсунқулов айниқса бу экинни мақтади. Кейин ўзбек ўртоқлар мени зиёфат қилишди; мен оқ жўхори донидан қилинган ғўжа ичдим ва жўхоридан қилинган сутли каша едим. Албатта, бу овқатлар ширгуруча ёки маставага тенг бўлолмайди. Лекин бу овқатлар таҳминан арпадан пиширилган кашага ўхшайди. Эҳтимол, оқжўхоридан пиширилган каша бирмунча дағалроқдир.

Оқжўхори — кучли экин. У гектар бошига 120 центнергача дон ва силос учун жуда кўп кўкпоя беради. Бу чорва моллари ва парандалар учун яхши озиқа. Оқжўхорининг қиммати яна шу билан ортадики, у шўрҳок ерларда ҳам ўсаверади. Бу экинни яхши ишлаб ўрганиш ва натижада ем-хашак етиштиришни кўпайтириш учун ундан тўғри фойдаланиш керак бўлади.

Ўрта Осиёда иссиқлик ҳарорати кўп, ёз узоқ бўлади. Бу ерда бир қанча экинлардан икки марта ҳосил олиш учун ҳамма шарт-шароит бор. Бунда мана бундай бир усулни синаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Кўкламда даставвал нўхат экмоқ керак. Нўхат йиғиб олингандан кейин силос қилиш учун ёки дон учун маккажўхори экмоқ керак. Натижада бир ернинг ўзидан ҳам нўхатдан, ҳам маккажўхоридан юқори ҳосил олиш мумкин.

Баъзи ўртоқлар суғориладиган ерларда ем-хашак учун қанд лавлаги экиш масаласини қўймоқдалар. Албатта, қанд лавлагига қарши ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас. Бу қимматли экиндир. Кўп хўжаликлар суғориладиган ерларда гектаридан уч юз, тўрт юз ва беш юз центнердан қанд лавлаги олмоқдалар. Лекин шуни назарда тутмоқ керакки, қанд лавлаги кўп меҳнат талаб қилади. У ҳозирча сермеҳнат экиндир. Шунинг учун уни ишчи кучи етарли бўлган жойлардагина экиш мумкин. Лекин колхозларни зўрлаб, қанд лавлаги экишга мажбур қилиш ярамайди, айниқса ишчи кучи етишмайдиган хўжаликларда бундай қилиш ярамайди. Бундай хўжаликлар пахтага ишлов бериб, қанд лавлагига келганда қўллари тегмасдан қолишлари мумкин.

Ҳисоб-китобга кўра, нўхат билан маккажўхорини биргаликда олганда қанд лавлагига қараганда гектаридан кўпроқ озиқа единицаси беради. Агар даставвал нўхат экилиб, 30 центнердан дон олинса, бу пояси билан бирга 4500 озуқа единицаси беради. Нўхатдан кейин силос учун маккажўхори экилади. Ҳар гектаридан 800 центнердан ҳосил олинганида, бу 14700 озуқа единицасини ташкил этади. Шундай қилиб, икки ҳосилдан ҳаммаси бўлиб 19200 озуқа единицаси олинган бўлади. Ваҳоланки, қанд лавлаги гектаридан 400 центнердан ҳосил олинганда 14.000 озуқа единицаси беради.

Бунга шуни ҳам қўшимча қилиб ўтиш керакки, нўхат билан маккажўхорини экишдан тортиб, то йиғиб-териб олгунча механизациялаштириш мумкин ва улар қўл меҳнати талаб қилмайди. Пахтакор колхозлар ва совхозлар учун бунинг аҳамияти катта. Чунки, пахта — сермеҳнат экиндир, хатто механизация қўлланилганда ҳам у сермеҳнат экин бўлиб қолаверади.

Буларнинг ҳаммасини ўрганиш ва амалда синаб кўриш лозим. Ҳамма ишда бўлганидек, бунда ҳам масалага ижодий қараш, ҳар бир гектар ердан энг кўп миқдорда маҳсулот олиш учун ақлга тамомила мувофиқ йўлларни қидириб топиш, сердаромад ва серфойда экинларни жорий қилиш лозим бўлади.

Пахтакор районларда беда кўп экилади. Бедадан қандай қилиб чорва молларини боқиш учун яхшироқ фойдаланмоқ керак? Маълумотлар шуни кўрсатадики, беданни талқон қилиб қўйиш жуда фойдалидир. Шундай қилганда у ўзининг озиқалик сифатини яхши сақлаб қолади.

Октябрнинг охирида мен Москвага қайтаётган эдим. Йўл устида икки ёш йигит ўтиб бораётган ҳар бир машинага қўл ўқтартиб ўхтатишни сўрар эди. Мен шофердан машинани ўхтатишни сўрадим ва қаерга икки ёш йигитнинг шаҳаргача бирга боришини таклиф қилдим. Аввал бу икки ёш йигит сайр қилиб юрган бўлса керак, деб ўйладим. Лекин уларнинг йўлда айтиб беришларича, улар қишлоқ хўжалигини электрлаштириш Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтида ишлар эканлар. Ўтларни суниъий қуритиш ва беданни талқон қилиш иши билан шуғулланар эканлар. Мен улардан бу тўғрида справка ёзиб юборишни сўрадим. Мазкур справкадан қуйидаги маълумотларни келтираман.

	Беда		
	натураль ўт	табиий қуритилган пичан	табиий қуритилган ўт талқони
Қуруқ модда процентларида ҳазм қилинувчи протеин	14.4	8,1	14.0
Қуруқ модда килограммидаги каротин (миллиграмм ҳисоби билан)	203	30-48	181
Қуруқ модданинг бир килограммидаги озуқа единицалари миқдори	0,84	0,47	0,76

Шундай қилиб, табиий қуритилган пичанга нисбатан пичан талқонида 1.7 марта кўпроқ ҳазм қилинувчи протеин, қарийб 4 марта кўпроқ каротин, 1.6 марта кўпроқ озуқа единицаси бор.

Бедадан пичан талқони ишлаб чиқаришни қандай қилиб яхшироқ ва арзонроқ ташкил этишни ўйлаб кўрмоқ керак.

Пахтакор районлар гўшт ва сут етиштиришни анча кўпайтиришлари лозим. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё республикаларида чорва маҳсулотлари бу ерда етиштириладигандан кўра анча кўпроқ истеъмол қилинмоқда. Гўштни ва сут маҳсулотларини бу ерга мамлакатнинг бошқа районларидан келтиришга тўғри келади. Илғор колхозлар ва совхозларнинг тажрибаси кўрсатишича, пахтакор районларда чорва маҳсулотларини шу ернинг ўзидаёқ етарли равишда етиштириш мумкин.

Шу муносабат билан мен пахтакор колхозлар ва совхозларнинг катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатиш учун суғориладиган ерларнинг ҳар юз гектарига тўғри келадиган экинлар структурасининг тахминий ҳисобини келтирмоқчиман.

Ҳар юз гектардан 75 гектарига пахта экиш мумкин. Ҳар гектаридан камида 30 центнердан ҳосил олинганида пахта етиштиришнинг зарур ўсиши таъминланган бўлади. Қолган 25 гектар ерга озуқа экинлари экиш мумкин. Бундан 12-14 гектарига маккажўхори экиш мумкин. «Политотдел» колхозидаги маккажўхорининг ажойиб билимдони Люба Ли гектаридан қарийб 2 минг центнердан сўтали кўкпоя олмоқда. Мен гектаридан 800-1000 центнер ҳосилни олишни мисол қилиб кўрсатаман. Ахир, серқуёш ўлкада суғориладиган ерлардан 400 центнердан ҳосил олиш ярамайди-ку, 10 гектарга беда экилади. Ҳар гектардан 100 центнердан беда ҳосили олинади. Бунинг устига 1-2 гектар канд лавлагини ҳам қўшганда, гектаридан 400 центнердан ҳосил олинади.

Бундай ҳисоблаганда, етарли миқдорда пахта олиш билан бирга 100 гектардан 2800 центнергача озуқа единицаси олиш мумкин. Озуқанинг бу миқдори ҳисобига ҳар юз гектар ерга 100-120 центнер гўшт ва 650 центнер сут етиштириш мумкин.

Мана, ўртоқлар, сизнинг суғориладиган ерларингиз нималар бериши мумкин!

Гап суғориладиган ерлардан кўпроғини ем-хашак бўладиган экинларга ажратишда эмас, энг муҳими — ҳосилдорликни оширишдадир.

Механизациялаш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг, пахта етиштиришнинг кўпайтиришнинг ҳал қилувчи шартидир

Механизациялаш пахтачиликни ривожлантиришнинг туб масаласидир. Колхоз ва совхозлар пахтачилик юзасидан ўтказилган маълум кенгашлардан кейин айрим юзуқларни қўлга киритдилар. Эндиликда квадрат-уялаб чигит экиш усули кенгроқ қўлланилмоқда. кўпчилик хўжаликларда кетмон машина билан алмаштирилди, пахта терадиган анча мукаммал техника яратилди.

Шу кунларда мен машина синаш станциясида бўлдим. Биз кўрган пахта териш машиналари ва турли қишлоқ хўжалик асбоблари кишини жуда хурсанд қилди. Конструкторлардан Приходько ва Глазатов ўртоқлар икки қаторли пахта териш машиналари яратганлар. Бу машиналар синов вақтида яхши самаралар берди. Ўртоқ Приходько шу билангина кифояланмаган. у менга тўрт қаторли пахта териш машинасини тайёр қилиб қўйганлигини айтди. Бу машинага жиддий эътибор бермоқ керак. Уни ишлатиш пахта терими да механизациялаштиришнинг ички баравар ошириш имконини беради.

Мен ўзнюрар шассига ўрнатилган пахта териш машиналарини кўриб хурсанд бўлдим. Бундай машиналар мотор паркидан яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

Комплекс механизациялаш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир. Пахтачиликнинг қайси звеносида механизациялашнинг энг қийин томони нимада? Чигит экиш ва ғўзани парвариш қилиш учун машиналар яратилган. Эҳтимол, бу машиналар ҳали етарли миқдорда эмасдир. Лекин бу, бугун бўлмаса эртага ҳал бўлиб кетадиган масала. Бундай машиналарни колхоз ва совхозлар кун сайин тобора кўпроқ олаверадилар. Бинобарин ҳозирги вақтда асосий иш кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Барча механизаторлар мавжуд машиналарни мукаммал эгаллаб олмоқлари, уяга чигитни белгиланган миқдорда ташлайдиган сеялка билан экишни сифатли ўтказмоқлари керак. Агар биз шунга эришсак, у ҳолда ғўзани механизмлар билан парвариш қилиш масаласи ҳал қилинган бўлади ва ҳамма жойда кетмон улоқтириб ташланади. Кетмон музейга топширилади.

Энг қийин иш — пахта теримидир. Менга қўрсатишган терим агрегатлари ҳамда тўрт қаторли янги машина ана шу қўлда бажарилаётган энг сермеҳнат, оғир ишни ҳам механизациялаш имконини беради. Далани тозалайдиган, яъни ғўзапоя юладиган ва уни қайта ишлайдиган машиналар бор. Шу сабабли биз пахта етиштиришда меҳнатни батамом механизациялаштиришимиз мумкин ва керак. Сабот, матонат, қатъият кўрсатиб, машиналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш керак.

Шу шароитдагина биз меҳнат унумдорлигини кескин ошира оламиз ва энг арзон пахта етиштира оламиз. Бунга тажриба яққол исботлаб берди.

Ўзбекистон ССР совхозларига ва Ўрта Осиё машина синаш станциясининг ҳар гектардан 36 центнер пахта олган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко бригадасига оид маълумотларни таққослаб келтириб ўтаман.

1 кишига тўғри келган ер (гектар)	Бир центнер пахтага меҳнат сарфи (киши-соати)	1 ходим ҳисобига етиштирилган пахта (центнер)	Бир центнер пахтанинг таннархи
	Ўзбекистон ССР совхозларида		
3,15	52	47	25 с. 30 т.
	Ўртоқ Тюпко бригадасида		
12	7,38	418	6 с. 78 т.

Ўртоқ Тюпко кенгашда сўзлаган нутқида 1962 йилда менинг бригадам бир центнер пахта таннархини камайтириб, 6 сўмга келтиради, деди. Бу жуда соз.

Ўртоқлар, ана сизга намуна, шунга тенглашмогингиз керак. Каттадан кичик ҳаммангиз ана шу одамдан ўрганишингиз ва унинг тажрибасини қўллашингиз керак. Бу — меҳнатни ташкил этишда қўйилган чинакам катта қадамдир. Бундай машиналар мотор паркидан яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

Комплекс механизациялаш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир. Пахтачиликнинг қайси звеносида механизациялашнинг энг қийин томони нимада? Чигит экиш ва ғўзани парвариш қилиш учун машиналар яратилган. Эҳтимол, бу машиналар ҳали етарли миқдорда эмасдир. Лекин бу, бугун бўлмаса эртага ҳал бўлиб кетадиган масала. Бундай машиналарни колхоз ва совхозлар кун сайин тобора кўпроқ олаверадилар. Бинобарин ҳозирги вақтда асосий иш кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Барча механизаторлар мавжуд машиналарни мукаммал эгаллаб олмоқлари, уяга чигитни белгиланган миқдорда ташлайдиган сеялка билан экишни сифатли ўтказмоқлари керак. Агар биз шунга эришсак, у ҳолда ғўзани механизмлар билан парвариш қилиш масаласи ҳал қилинган бўлади ва ҳамма жойда кетмон улоқтириб ташланади. Кетмон музейга топширилади.

Энг қийин иш — пахта теримидир. Менга қўрсатишган терим агрегатлари ҳамда тўрт қаторли янги машина ана шу қўлда бажарилаётган энг сермеҳнат, оғир ишни ҳам механизациялаш имконини беради. Далани тозалайдиган, яъни ғўзапоя юладиган ва уни қайта ишлайдиган машиналар бор. Шу сабабли биз пахта етиштиришда меҳнатни батамом механизациялаштиришимиз мумкин ва керак. Сабот, матонат, қатъият кўрсатиб, машиналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш керак.

Шу шароитдагина биз меҳнат унумдорлигини кескин ошира оламиз ва энг арзон пахта етиштира оламиз. Бунга тажриба яққол исботлаб берди.

Ўзбекистон ССР совхозларига ва Ўрта Осиё машина синаш станциясининг ҳар гектардан 36 центнер пахта олган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко бригадасига оид маълумотларни таққослаб келтириб ўтаман.

1 кишига тўғри келган ер (гектар)	Бир центнер пахтага меҳнат сарфи (киши-соати)	1 ходим ҳисобига етиштирилган пахта (центнер)	Бир центнер пахтанинг таннархи
	Ўзбекистон ССР совхозларида		
3,15	52	47	25 с. 30 т.
	Ўртоқ Тюпко бригадасида		
12	7,38	418	6 с. 78 т.

Ўртоқлар, ана сизга намуна, шунга тенглашмогингиз керак. Каттадан кичик ҳаммангиз ана шу одамдан ўрганишингиз ва унинг тажрибасини қўллашингиз керак. Бу — меҳнатни ташкил этишда қўйилган чинакам катта қадамдир. Бундай машиналар мотор паркидан яхшироқ фойдаланиш имконини беради. Далани тозалайдиган, яъни ғўзапоя юладиган ва уни қайта ишлайдиган машиналар бор. Шу сабабли биз пахта етиштиришда меҳнатни батамом механизациялаштиришимиз мумкин ва керак. Сабот, матонат, қатъият кўрсатиб, машиналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш керак.

Шу шароитдагина биз меҳнат унумдорлигини кескин ошира оламиз ва энг арзон пахта етиштира оламиз. Бунга тажриба яққол исботлаб берди.

Ўзбекистон ССР совхозларига ва Ўрта Осиё машина синаш станциясининг ҳар гектардан 36 центнер пахта олган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко бригадасига оид маълумотларни таққослаб келтириб ўтаман.

1 кишига тўғри келган ер (гектар)	Бир центнер пахтага меҳнат сарфи (киши-соати)	1 ходим ҳисобига етиштирилган пахта (центнер)	Бир центнер пахтанинг таннархи
	Ўзбекистон ССР совхозларида		
3,15	52	47	25 с. 30 т.
	Ўртоқ Тюпко бригадасида		
12	7,38	418	6 с. 78 т.

Ўртоқлар, ана сизга намуна, шунга тенглашмогингиз керак. Каттадан кичик ҳаммангиз ана шу одамдан ўрганишингиз ва унинг тажрибасини қўллашингиз керак. Бу — меҳнатни ташкил этишда қўйилган чинакам катта қадамдир. Бундай машиналар мотор паркидан яхшироқ фойдаланиш имконини беради. Далани тозалайдиган, яъни ғўзапоя юладиган ва уни қайта ишлайдиган машиналар бор. Шу сабабли биз пахта етиштиришда меҳнатни батамом механизациялаштиришимиз мумкин ва керак. Сабот, матонат, қатъият кўрсатиб, машиналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш керак.

Шу шароитдагина биз меҳнат унумдорлигини кескин ошира оламиз ва

Ўрток Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши 1, 2 ва 3 бетларда).

Энди пахтани қабул қилиш ва бу ишда йўл қўйилаётган суиистеъмолларга қарши кураш ҳақида тўхталиб ўтаман. Бу масала айрим ўртоқлар ўйлаганича жўн масала эмас, гап пахтани қабул қилишнинг қандайдир янги системасини вужудга келтириш устида ҳам эмас. Биргина системанинг ўзи ҳеч нарсани ҳал қилиб бера олмайди. Ҳамма иш одамларга боғлиқ. Партия ва совет ташкилотлари тайёрлов пунктларига халқ бойлиги учун, давлат ва колхозларнинг манфаатлари учун жонкуяр, софдил ходимларни танлаб олишлари керак.

Шу билан бирга тайёрлов пунктларида қаттиқ контроль ўрнатиш йўлидан бориш мақсадга мувофиқдир. Табиийки, бу — колхоз ва совхозларнинг вакиллари иштирок этадиган жамоат контроли бўлмоғи лозим. Жамоат контролини амалда қандай тасаввур қилиш мумкин? Жамоатчилик вакили, ишончли киши қабул пунктига келиб, у ерда бир ҳафта ёки бундан ҳам ортиқроқ туради. Албатта у суиистеъмоллар бўлмаслигини, давлатга ҳам, колхозларга ҳам зарар етмаслигини текширяб, бундан кўз-қулоқ бўлиб туради. Қасддан қилинмаган хатолар учраб қолиши мумкин. Бундай хатоларни дарҳол тузатиш керак.

Ўрта Осиёда суғориш ишларини бутун чоралар билан ривожлантирайлик

Партия XXII съездидаги докладда суғориш ишларини ривожлантиришнинг катта программаси ҳақида гапириб ўтилган эди. Айрим рақамларни яна бир марта эслатиб ўтмоқчиман. Марказий Комитетнинг топширувига биноан Давлат иқтисодий кенгаши ирригация қурилишининг перспектив планини ишлаб чиқди. Ирригация ишларининг талайгина қисми Ўрта Осиё республикаларида амалга оширилади. Сирдарё ҳавзасида пахтачиликнинг янги районларини барпо этиш кўзда тутилади. Бу жойда Мирзачўл ва Қарши чўлларидаги ҳамда бошқа районлардаги икки миллион гектардан ортиқ ерни суғориш мумкин. Туркманистонда Қорақум канали базасида 600 минг гектар майдондаги ерларни суғориш ва ўзлаштиришни кучайтириб юбориш, Амударё ва Сирдарё этакларида 900 минг гектарга яқин суғориладиган ер майдонларида янги шоликорлик районлари вужудга келтириш керак.

Ўрта Осиё республикаларида суғориш ишларини ривожлантиришга маблағ сарфлашимиз биз учун манфаатли эканини тажриба кўрсатмоқда. Бу республикаларда қилинган харажатларнинг ўрни пахта сингари ғоят қимматли маҳсулот ҳисобига тезда тўлдириб олинади. Қуйидаги мисолни келтираман. 1960 йилда Мирзачўл ерларида ўртоқ Юсупов директор бўлган 6-совхоз ташкил қилинди. Совхозни қуришга 5 миллион 900 минг сўм маблағ сарфланди. 1961 йилда совхоз етиштирган пахтани сотишдан 8 миллион сўм олади. Бу, ўртоқлар, яхши натижа, яхши самара. Бу самара тобора ортиб бораверади.

Ўрта Осиёдаги янги ерларни ўзлаштириш давлат учун катта аҳамиятга эга. Бу вазифани ҳал қилишга тағин ҳам зўр ғайрат, қатъият билан, маълум мақсадни кўзлаб киришмоқ керак. Суғориш методларини пухта ўйлаб кўриш, барча янги, прогрессив усулларни жорий этиш лозим. Далага босим остида сув бериш, янги материаллардан ясалган эгилувчан қувурлардан фойдаланиш диққатга сазовордир. Ная усулида суғориш учун саноатга трубкалар заказ қилиш, энг мукаммал бўлган ва унумлироқ ишлайдиган роторли экскаваторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим. Буларнинг ҳаммасини уйлаб кўриш, ўрганиб чиқиш керак, ўртоқлар. Шундай бўлсинки, «Союзсельхозтехника» бирлашмаси (ўртоқ Кучумов) бу масалалар билан конкрет шуғуллансин ва таклифларни ишлаб чиқсин.

Мирзачўлга бориб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Илгари Мирзачўл ҳақида кўп нарса эшитган бўлсам ҳам, уни кўрмаган ва шу сабабли бу районни конкрет тасаввур қилаолмас эдим. Ниҳоят Мирзачўлда бўлиш ҳақидаги орзум рўёбга чиқди.

Биз бепоён ўлка бўйлаб эрталабдан қош қорайгунча юрдик, далаларни кўздан кечирдик, кишилар билан суҳбатлашдик. Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилинган вақтда кўзланган умидлар самарали натижа берганлиги ҳозирдаёқ кўзга ташланиб турибди. Қилинган сарфларнинг ўрни ерларни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичидаёқ моддий жиҳатдан тўлдириб олинмоқда. Ваҳоланки, ҳозир ана шу ерлар кучининг учдан бир қисмидангина фойдаланилмоқда, холос. Бу ерлар уч баравар, эҳтимолки, ҳатто тўрт баравар кўп маҳсулот бериши мумкин.

Марказий Комитетнинг янги ерларни фақат совхозлар тузиш йўли билан ўзлаштириш керак, совхозлар энг унўшган ишлаб чиқаришга эгадир, деган фикри тўғри бўлиб чиқди. Совхозлар ердан яхшироқ фойдаланади, ҳўжаликни рационалроқ ва тежамлироқ бошқаради.

Мирзачўл ишлаб чиқаришни ва турмушни коммунистик асосларда ташкил этишнинг яққол тимсоли бўлиши мумкин ва керак. Агар таъбир жоиз бўлса, сизларда ишлаб чиқаришни ва турмушни ташкил этишнинг икки жиҳати кўзга ташланиб туради дейиш мумкин. Бир қанча районларда ишлаб чиқариш турмушдан олдинда бормоқда. Колхозлар пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритаётган бўлсалар ҳам колхозчиларнинг турмуш тарзида ўтмишнинг қолдиқлари ҳали ҳам кўп сақланиб қолган. Мирзачўлда эса турмуш ишлаб чиқариш билан баббаравар қадам ташлаб бормоқда. Янги совхозлар ишлаб чиқаришни ва турмушни коммунистик асосларда ташкил этишнинг намунаси бўлиб бораётганлигидан мен хурсандман.

Янги поселкалар барпо қилинмоқда, болалар ясилари ва боғчалари, мактаб-интернатлар қурилмоқда. Бу жуда ажойиб! Капиталистик дунёда оддий кишиларнинг қайси бири ўз фарзандини пансионатга бераолади? Ҳеч ким бераолмайди. Арестократлар ва кўп маош оладиган интеллигентларгина шундай имкониятга эга. Коммунизм қураётган бизнинг мамлакатимизда ҳамма нарса инсон учун, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун қилинмоқда.

Кўркам поселкалар, шинам уйлар, йўллар — чўлдаги воҳалардир. Бир вақтлар хилватгоҳ ва хароб бўлиб ётган жойларда шаҳар типидаги турмуш — водопровод, тоза ётқизилган йўллар, канализация, газ вужудга келмоқда. Бу катта иш, ўртоқлар! Тез орада бутун Мирзачўл шундай қиёфага эга бўлади. Янги совхозлар ўзининг кўркам қиёфаси билан, ўзининг маданияти билан ҳозирдаёқ, ўзи барпо қилинган дастлабки йилдаёқ ажралиб турибди. Бир неча йил ўтгач, дарахтлар гуркираб ўсиб, боғлар яшнаб кетади ва Мирзачўл раноа-ранг товланиб кўзни қамаштирадиган бўлади. Бу эса коммунистик турмушнинг, коммунистик қурилишнинг поэзияси бўлади. **(Қарсаклар).**

Мирзачўлни ўзлаштирган ва шунда «Главголодностепстрой» коллективининг — қўйилган вазифаларни оғир шароитларда фидокорона бажараётган ишчилар, инженерлар, техникларнинг хизмати каттадир.

* * *

Колхоз ва совхозлардаги учет системаси ҳақида ўз мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Буни такомиллаштириш керак. Афсуски, ҳозирги вақтда бизда бутун ҳисобот ишлари ўртача кўрсатгичларга: ўртача ҳосилга, ўртача соғиб олинаётган сутга ва шу кабиларга асосланган. Айрим раҳбарлар ҳисоботдаги ўртача рақамлар соясида қолоқ колхоз ва совхозлардаги конкрет кўрсатгичларни кўрмаётирлар. Шундай аҳвол юз бермоқдаки, кўпгина колхоз ва совхозлар неча йиллаб ишлаб чиқаришни ривожлантиришда орқада қолиб келаётган бўлсалар ҳам, район ва область ташкилотлари чора кўрмаётирлар.

Шу сабабли учетни шундай йўлга қўйиш керакки, ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир бригаданинг эришган натижалари кўзга кўриниб турсин. Бу эса раҳбарларни ҳар бир ҳўжалик билан, ҳўжаликлар ичида эса ҳарбир бригада билан конкрет шуғулланишга мажбур этади. Учет системаси қолоқ участкаларни кўришга ёрдам бериши, шу билан бирга раҳбарлар фаолиятини акс эттириб туриши керак.

Колхоз ёки совхозга қолоқ кишилар раҳбарлик қилаётганлиги кўпинча қолоқликнинг сабаби бўлади. Совет, соцналистик система шароитида бошқа сабаблар йўқ. Дарҳақиқат, райондаги ҳўжаликларга синчиклаб назар ташласангиз, уларнинг ҳамма нарсаси бор. Техникаси бор, уруғи бор, ўғитлари бор. Хуллас, колхоз ва совхозлар моддий жиҳатдан баббаравар таъмин этилган. Шунга қарамай бир хил ҳўжаликлар муваффақиятли суратда илгарилаб борса, иккинчи ҳўжаликлар орқада қолади. Сабаби нима? Такрор айтаманки, гап раҳбарликда. Баъзи раҳбарлар ишлаб чиқаришни оқсалтириш резервлари ва имкониятларидан ишнинг кўзини билиб фойдалансалар, баъзи раҳбарлар жонларининг ҳузурини кўзлайдилар, ғайрат кўрсатиб ишламайдилар, янгиликни сезмайдилар, истиқболни кўрмайдилар.

Биз коммунизм қурилишининг улкан Программасини қабул қилдик. Халқ уни қизғин қувватлади, чунки Программанинг мазмуни — халқнинг айни муддаосидир, халқнинг орзу истаклари Программада ўз ифодасини топган. Шу сабабли ҳозир кишиларни янги улуғ ишларга сафарбар этиш, Программа халқимиз учун ҳақиқатга айланишига эришиш керак. Бунинг учун ҳар бир ходимни ўз жойига қўйиб, шу ходимга шундай шароит яратиб бериш керакки, у бутун кучини сарфлаб ишлайдиган, ишончи билан олга қараб бориш учун талаб қилинадиган ҳамма нарсани ишлаб чиқаришга берадиган бўлсин.

Раҳбарнинг ўзигина Программани виждонан қабул қилиб олиши кифоя қилмайди. У кишиларни отлантириши ва уларни янги вазифаларни ҳал қилишга етаклаб бориши, барча янги нарсаларга йўл очиб бериши, коммунистик партия Программасида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаши керак. Ишчилар, колхозчилар, агрономлар, зоотехниклар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари, колхоз ва совхоз раҳбарлари ўз қобилиятларини кўрсатишлари, меҳнатда, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ташаббускор бўлишлари керак.

Ўртоқлар! Тошкент областидаги «Ленинизм» колхозининг раиси ўртоқ Ортиқовнинг кенгашда сўзлаган нутқи менга жуда маъқул бўлди. Ў илғор хўжаликлар қолоқ колхозлар ва совхозларни оталикка олсин, деган фикрини айтди. Бу жуда яхши нарса ва мен оталикка олиниши лозим бўлган хўжаликларнинг раҳбарлари бу заруратни тушуниб олмоқлари керак, ана шу яхши, олийжаноб ташаббусга тўсқинлик қилмасдан уни қабул қилиб олишлари керак, деб ҳисоблайман. Ўртоқ Ортиқов каби раҳбарлардан ва у раҳбарлик қилаётган хўжалик каби хўжаликлардан кўп нарса ўрганса бўлади.

Қишлоқ хўжалиги учун янги юксак марралар белгилаб берилган бизнинг замонамизда ишни илғор тажрибага, фан муваффақиятларига таянмасдан эски усулда олиб бориб бўлмайди. Бу ерда Туркманистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ўртоқ Максименко сўзлади. У фаннинг роли тўғрисида жуда тўғри гапирди. Фанга таянмай олдинга юриш — кўр кишининг етакчисиз юриши сингари бир гап, киши ҳамиша қоқиладиради. Шунинг учун фанимиз барқ уриб яшнамоғи ва практика йўлини ёритиб бермоғи керак. Ўртоқ Максименко кўтариб чиққан масалалар: селекция ва уруғчилик, уруғ етиштириш, бунинг учун махсус колхоз ва совхозларни ажратиб қўйиш, сортларни районлаштириш системаси — буларнинг ҳаммаси жуда муҳим масалалардир.

Биз ҳозир ташкилий масалаларга катта эътибор бермоғимиз керак. Бу муҳим иш. Лекин фанга эътибор бермаган ва унинг овозига қулоқ солмаган киши кўр-кўрона иш тутган бўлади. Фан — бизнинг компасимиз. Ана шу компасга қараб одамларни уюштириш ва олға қараб юриш — галабага олиб борадиган йўлдир.

Мен, ўртоқлар, совхоз ишчиларини ва колхозчиларни картошка ҳамда сабзавот билан таъминлашни уюштириш сингари муҳим масала устида совхоз директорлари ва колхоз раисларига бир истак айтмоқчи эдим. Совхоз ва колхозларда жамоат фойдаланиши учун экинзорлар барпо қилишимизнинг вақти келмадимикин? Совхозда — ишчининг, колхозда — колхозчининг томорқа участкаси бор. Кундузи у далада машинада ишлайди, машинадан тушиши биланоқ, қўлига кетмон олиб, ўз полизини ишлаши керак. Бу, мақсадга мувофиқ иш эмас. Агарда совхоз директори полиз учун яхши ер ажратиб берса, керакли экинларни эктирса, мўл ҳосил етиштирса ва ишчига сабзавотни ўз таннархи билан сотса, унда ишчининг қўлига кетмон олиб ўз томорқа участкасида қийналиб ишлашига ҳожат қолмайди. Ишчи совхоз полизидан ўзига керакли ҳамма нарсани олади. Ҳордиқ чиқариш, ўқиш учун бўш вақти анча кўпаяди. Айниқса хотин-қизларнинг шароити енгиллашади, чунки, уларнинг бусиз ҳам уй-рўзғорда ташвиши ортиб ётибди.

Мен бу нарсани аста-секин колхозларда ҳам йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблайман. Лекин бу масалада маъмурият-чиликка йўл қўйиш ярамайди. Бизда шундай раҳбарлар борки, Хрушчевнинг маслаҳатини бажардик, деб мақтанш учун томорқа участкаларини олиб қўядилар-да, қўпчилик учун сабзавот етиштирадиган полизларни ажратмайдилар, одамларни сабзавотсиз қолдирадилар. Бундай ҳовлиқма ходимларни рағбатлантириш у ёқда турсин, ҳатто жазолаш керак.

Ўртоқлар! Сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалик органларини қайта қуриш соҳасида маълум ишлар қилинди. Бу органлар ишлаб чиқаришга яқинроқ бўлиб қолди. Биз қишлоқ хўжалик органларининг структурасини бундан буён ҳам ихчамлаштиришимиз, уларнинг фанни ривожлантириш ва илғор тажрибаларни жорий қилишдаги ролини оширишимиз керак. Қишлоқ хўжалик органлари шаҳардан қишлоққа кўчиб бораётганликларини мен мутлақо тўғри иш деб ҳисоблайман. Аммо бу ишда биз ана шу органларнинг ташкилий структурасини такомиллаштиришни яна ўйлаб кўрмоғимиз керак. Масалан, ўлка ва область қишлоқ хўжалик бошқармалари ҳақидаги, уларнинг функциялари тўғрисидаги масала кўндаланг бўлмоқда. Тайёрлов аппаратининг структурасини пухта аниқлаб олиш керак. Эндиликда, қишлоқ хўжалигидаги ташкилий формалар ўзгарган бир пайтда тайёрловчиларнинг иши ҳам ўзгарди. Тайёрлов органларининг ишини яхшироқ ташкил этиш йўлини оқилона ўйлаб кўрмоқ керак.

Биз кенгаш қатнашчиларининг сўзларини зўр эътибор билан тингладик. Бу нутқлар Совет кишиларимиздан фахрланиш туйғусини уйғотади. Озарбайжондаги «Горадиз» колхозининг раиси С. Фарҳодова эришилган муваффақиятлар ҳақида жуда ажойиб гапирди. У раислик қилаётган колхоз ҳар гектаридан 35 центнердан пахта олиб келмоқда. Туркманистондаги Тельман номли колхоз раиси О. Эрсариевнинг нутқи ҳам-мамизни жуда мамнун қилди. Туркманистон ерларни нималар бераолишини у жуда яхши айтиб берди. Машинада пахта теришдаги фидокорона меҳнати билан донг чиқарган ёш озарбайжонлик қиз Севил Казнева нутқ сўзлади. У яхши нотиқ ва шоирадир, совет кишисининг қаҳрамонона меҳнатини тараннум қилмоқда. Унга катта муваффақиятлар тилаймиз. **(Қарсаклар).** Пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси, ёш механизатор қизлар ўртасида шовли ишларни бошлаб берган Турсуной Охунова ҳар қачонгидек тўлқинланиб, юракдан гапирди. Қирғизистонлик бригада бошлиғи Майрамхон Абдуллаеванинг нутқи ишга зўр муҳаббат қўйганликдан далолат беради. Унинг бригадаси пахта етиштиришни батамом механизациялаштириш ва ҳозирдаёқ гектар бошига 39 центнер пахта териб олди. Қозоғистондаги «40 лет Октября» колхоз раиси ўртоқ Головацкий маккажўхорининг таърифини жуда келтирди. Қишлоқ хўжалигининг кўпгина ходимлари ундан анча нарса ўрганишлари мумкин.

Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ хўжалигининг тинли илғорлари, ўз ишининг ҳақиқий миришкорлари, меҳнат қаҳрамонлари кўп. Бу ерда айрим ўртоқлар сўзга чиқиб, маккажўхори етиштиришни ўрганиб келиш учун одамларимизни Украинага юбормоқчи бўлиб турибмиз, дейишди. Менимча, одамларни юборишдан олдин буни тузукроқ ўйлаб кўриш керак. Украина — совет республикаси, лекин сизлардан жуда узоқ. Гавҳар олдиларингда турган бир пайтда уни олисдан қидириб юришнинг нима кераги бор? Мана Тошкент яқинида маккажўхори ажойиб бўлиб етилмоқда, бундан яхшисини қаердан топасиз. «Политотдел» колхозида Люба Ли ажойиб намуна кўрсатди. «Пахтаорол» совхозининг директори Ўртоқ Куликов дуруст натижаларга эришди. Маккажўхоридан кам ҳосил олганлиги учун бир вақт мен уни танқид қилган эдим. У танқид еб пишиган ўртоқ. Демак икки тажрибасиз гўр кишидан, битта тажриба кўриб пишган киши афзал, деган гап ўринли гап. Киройи, ўрганганга яраша ана шундай одамдан ўрганиш керак!

Бориб тажриба ўрганиш яхши нарса, аммо биз саёқ шогирдларга айланиб қолмаслигимиз керак. Ўзимизда бор нарсани жаҳонгашта бўлиб қидириб юрамизми, ўргансак арзийдиган тажрибани ёни-веримизда турибди-ку.

Миришкорларимизнинг муносиб ўринбосарлари етишиб келмоқда. Андижон областидан келган ўнинчи синф ўқувчиси Дилбар Юсупова сўзга чиққанда, унинг тимсолида биз ана шу ўринбосарларни кўрдик.

Совхоз директорлари Тожикистондан — ўртоқ Воронин, Ўзбекистондан — ўртоқ Саримсоқов, Хоразм область партия комитетининг секретари ўртоқ Шамсиддинов ва бошқа кўпгина ўртоқлар ишнинг кўзини билган ҳолда, чуқур, қизиқарли фикрлар билан сўзга чиқдилар.

Хоразм области чамаси, пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан биринчи ўринда турса керак. Мен сизнинг нутқингизни зўр мамнуният билан эшитдим, ўртоқ Шамсиддинов. Бизнинг секретарлар «корпорация-миз» ўз участкасига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилаётганлигидан мен хурсандман. Бу жуда соз! **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалик илғорларининг нутқлари уларнинг ишлари, тажрибалари — ҳаётнинг, коммунизм қуриш практикасининг чинакам мактабидир. Миллион-миллион кишиларга энг яхши меҳнат намуналарини ўргатиш — олға қараб боришимизнинг жуда муҳим шартидир. Қишлоқ район партия комитетларининг, колхоз ва совхоз партия ташкилотларининг қишлоқлардаги барча коммунистлар ва комсомолларнинг ташкилотчилик ишлари мана шунда намоён бўлмоғи керак.

Ўз нутқимни тамомлай туриб, Ўзбекистонга ва Жанубий Қозоғистонга қилган сафаримдан жуда мамнун бўлганимни яна бир марта айтиб ўтмоқчиман. Бу гал мен кўпроқ жойга бориш, истаган нарсаларимни кўриш имкониятига эга бўлдим.

Қишлоқ хўжалик илғорлари, олимлар, селекционерлар, агрономлар билан ўтказган суҳбатларимдан мамнун бўлдим. Инженерлар, машиналарнинг конструкторлари билан ўтказган учрашувларимдан жуда мамнун бўлдим. «Пахтаорол» совхозининг директори ўртоқ Куликовга ва бошқа совхозларнинг директорларига ва колхоз раисларига машина синаш станцияларсиз бориглар, техникани кўринглар, деб маслаҳат берар эдим. Кўпларингиз ана шу машиналарни билмасангиз керак. Бу машиналарни билиш эса жуда ҳам муҳим, чунки янги техника орасида айни сиз кутган машиналар бор.

Сизларга ўртоқлар, катта муваффақиятлар тилайман. Келгуси сафар учрашганимизда гектар бошига 25 центнердан кам ҳосил олган бирорта колхоз, бирорта совхоз бўлмаслигини **(қарсаклар)**, экономикангиз илгарилаб кетган бўлишини тилайман. **(Қарсаклар).**

Коммунизм сари комил ишонч билан катта қадам ташлаб бормоқ керак. Олға қараб бориш суръатимиз меҳнат унумдорлигининг ошиши билан, ҳар бир совет кишиси умумхалқ ишига қўшадиган ҳисса билан белгиланади.

Бизнинг талабларимиз йил сайин ўсиб бормоқда. Колхоз ва совхозларга машиналар, ўғит ва бошқа моддий воситалар тобора жуда кўп миқдорда талаб қилинмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқаришнинг зарур даражада юксалиши таъмин этилмаса, давлат бу нарсаларни қаердан олади? Шу сабабли совет кишиларининг талабларини тўлароқ қондирмоқ учун сиз кўпроқ маҳсулот етиштирмоғингиз керак. Бизда бундан буён ҳам меҳнат жўш урмоғи: ҳар бир киши ўз соҳасида партия ва халқ унга топширган муқаддас ишни бажармоғи керак.

Азиз ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимиз зўр юксалишда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет интеллигенцияси кўпгина улуғ ва шонли ишларни амалга оширдилар. Лекин олдимизда ҳали катта-катта ишлар турибди. Партиянинг XXII съезд қабул қилган Программаси экономикамизни ривожлантиришда мисли кўрилмаган марраларни белгилаб берди. Партиянинг буюк режаларини амалга ошириш учун куч-қувватимизни, меҳнатимизни ва билимларимизни аямайлик!

Совет халқи коммунистик қурилиш тарихига кўпгина порлоқ саҳифалар ёзди. Совет халқи партия раҳбарлигида коммунизмнинг тўла тантанаси учун курашда янги жуда катта галабаларни қўлга киритади! **(Овацияга айланган гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради. «Ленин партиясига шон-шарафлар! Ура!», «Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитетга шон-шарафлар! Ура», «Яшасин халқларнинг бузилмас дўстлиги! Ура!» деган хитоблар янграйди).**

КАТТА ВА ДАДИЛ ҚАДАМ ТАШЛАБ

Бизнинг халқимиз инсоният тарихида биринчи бўлиб келажакка порлоқ йўл очиб бериш, коммунистик жамият биносини бунёд этишдек буюк шараф ўз зиммасига тушганлиги билан фахрланмоқда. XXII съезд қабул қилган партия Программаси мамлакат экономикасини юксалтиришнинг ўз суръатлари ва қўламлари жиҳатидан мисли кўрилмаган планларини белгилаб берди. Программада саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш юксадан юксак марралар белгиланган. Совет кишилари партия съезди қўйган вазифаларни амалга оширишга зўр ғайрат билан киришдилар.

Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалик механизаторлари коммунистик қурилишнинг энг масъулиятли участкаларидан бирини эгаллаб турибдилар. Мамлакатнинг бу райони пахта етиштиришнинг асосий базасидир. Совет халқининг моддий фаровонлигини янада юксалтириш бу қимматли хом ашёнинг ялпи ҳосилини кўпайтириш билан бевосита боғлиқдир. Партия ва ҳукумат қардош республикалар экономикасини бутун чоралар билан ривожлантириш тўғрисида, улар хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни юксалтириш тўғрисида тинмай гамхўрлик қилмоқдалар. Пахтакор республикаларнинг қишлоқ хўжалигида техника тараққиёти тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Давлат ирригация қурилишига катта маблағлар сарфламоқда. Бу районларда индустрияни, фан ва маданиятни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистоннинг жанубий областлари, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Озарбайжон қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгаш пахтачиликни ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришнинг конкрет йўлларини белгилади.

Пахтакор районлардаги колхоз ва совхозлар кейинги йилларда олға томон катта қадам қўйдилар. 1956-1960 йилларда етиштирилган пахтанинг йиллик ўртача миқдори бундан олдинги беш йилдагига нисбатан Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон ССР да 31-35 процент, Озарбайжон ва Қирғизистонда эса 18-19 процент кўпайди. Бу йил кўпгина хўжаликлар, районлар ва бутун-бутун областлар пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ўз социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Ўрта Осиё республикаларининг меҳнаткашлари пахтачиликни ривожлантириш йўлида кўп иш қилдилар, аммо шундай бўлса ҳам, бу ерда мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир. Тошкентдаги кенгашда Туркманистон ва Озарбайжон республикалари пахтачиликда орқада қолганлиги учун қаттиқ танқид қилинди. Туркманистоннинг колхоз ва совхозлари 5 йил ҳар гектардан 1958 йилдагига нисбатан деярли олти центнер қамроқ пахта териб олдилар. Кейинги уч йил ичида республикада пахта экинлари 55 минг гектар кўпайди, аммо пахтанинг ялпи ҳосили камайди. Озарбайжонда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу республикада 1961 йилда ҳар гектар ердан олинган пахтанинг миқдори 1955 йилдагига нисбатан 8,6 центнер камайди.

Бундай аҳволнинг рўй беришига аввало, партия ва совет ташкилотларининг колхоз ва совхозларга суст раҳбарлик қилаётганлиги сабаб бўлди. Шу республикаларнинг кўпгина хўжаликларида деҳончилик маданияти паст бўлиб, фан ютуқларини ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун қатъий кураш олиб борилмаётир, пахтачиликда механизация кўл талаб қиладиган талайгина ишлар ҳали ҳам кам механизациялаштирилган.

Коммунистик қурилиш манфаатлари пахтакор республикалар олдига янги юксак талаблар қўймоқда. **«Пахта ҳосилдорлигини ошириш, ҳар бир колхоз ва совхозда ҳар гектардан камида 25 центнердан пахта олиш,** — деди Никита Сергеевич Хрушчев Тошкентдаги кенгашда,— **пахтачиликни ривожлантиришнинг конкрет вазифалари орасида кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифа қилиб қўйилиши керак».**

Бу мақсадга эришмоқ учун кўп ва зўр ғайрат билан меҳнат қилиш керак. Гап шундаки, ҳар бир республикада кам ҳосил олиб келаётган анча хўжаликлар бор. Масалан, Ўзбекистонда колхоз ва совхозларнинг 67 процента гектар бошига 25 центнердан камроқ ҳосил олиб келмоқда. Тожикистонда бундай хўжаликлар 70 процентни, Туркманистонда 87 процентни, Қозоғистонда 90 процентни, Озарбайжонда 86 процентни, Қирғизистонда 85 процентни ташкил этади. Агар ана шу колхозлар ва совхозларнинг ҳаммаси гектар бошига пахта ҳосилдорлигини 25 центнергача етказсалар, фақат шунинг ҳисобига мамлакатимиз қўшимча суратда 1 миллион 360 минг тонна пахта олади.

Ҳеч мустасносиз барча хўжаликларда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига камида 25 центнергача ошириш — конкрет вазифадир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этмоқ учун ҳар бир бригада, ҳар бир колхоз, совхоз, район ва областнинг имкониятларини ўрганиш зарур. Маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, бундай ҳосилдорликка қайси вақтда ва қандай резервлар ҳисобига эришилажагини аниқлаб олиш муҳимдир. Бу ишни бир кун ҳам кечиктирмай, дарҳол бошлаш керак.

Илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибаси пахтачиликни янада юксалтиришнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш учун асос қилиб олиниши лозим. Ҳар бир область ва республикада пахтачиликнинг ажойиб уста-лари етишиб чиқди, улар йил сайин мўл ҳосил олмоқдалар. Илғор ҳўжаликлар аллақачондан бери гектар бошига 30-40 центнер ва бундан ҳам кўпроқ ҳосил олиб келмоқдалар. Масалан, Тошкент областидаги «Политотдел» колхози бу йил гектаридан 49,2 центнердан, Жанубий Қозоғистон областидаги «Пахтаорол» совхози 34,8 центнердан, Сурхондарё областидаги «8 Март» колхози 40,7 центнердан, Тожикистон ССРдаги Киров номли колхоз 41 центнердан пахта етиштирдилар.

Илғорлар тажрибаси — асосий резервдир, чинакам турмуш мактаби, коммунизм қуриш практикаси мактабидир. Миллион-миллион кишиларни энг яхши мисоллар ва меҳнат намуналари асосида ишга ўргатиш, қолоқ хўжаликларни илғорларнинг кўрсаткичлари даражасига кўтариш — олға томон ҳаракатимизнинг жуда муҳим шартидир. Партия ташкилотлари, барча қишлоқ коммунистлари ва комсомоллари ана шу соҳала ташкилотчилик ишларини кўрсатишлари лозим.

Ҳамма ишларни комплекс механизациялаш пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий масаласидир. Пахтазорларда техникадан кенг ва моҳирлик билан фойдаланган-дагина меҳнат унумдорлигини кескин суратда ошириш мумкинлигини практика кўрсатиб турибди. Машҳур механизаторлар Валентин Тюпко, Турсуной Охунова, Мелиқўзи Умрзоқов ва кўпгина бошқаларнинг тажрибаси худди ана шундан далолат бермоқда. Уларнинг бригадалари ғўзани квадрат-уялаб жойлаштиришдек прогрессив усулни қўлланиш, ҳамма ишларни кенг механизациялаш туфайли йил сайин мўл ҳосилни етиштириб, давлатга ғўза, сут ва бошқа маҳсулотлар сотишни анча кўпайтириш мумкин эканлигини кўрсатиб турибди. Пахтачиликка зарар етказмаган ҳолда давлатга ғўза, сут ва бошқа маҳсулотлар сотишни анча кўпайтириш мақсадида чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — ҳар бир колхоз ва совхоз раҳбарининг бурчидир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан юксак марралар белгиланаётган ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектаридан тўғри фойдаланиш, энг рационал, иқтисодий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш айниқса зарурдир. Алмашлаб экишнинг қандай фойдали эканлигини, экин майдонларининг қандай структурасини қабул қилиш зарурлигини хўжаликнинг конкрет шарт-шароитларига қараб ҳал этиш керак.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги катта ва мураккаб вазифаларнинг амалга оширилиши кадрларга, партия ташкилотларининг колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш учун одамларни моҳирлик билан танлай билишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Тошкентдаги кенгашда ташаббускор ташкилотчи, ўз ишининг кўзини биладиган ижодкор киши бошчилик қилаётган хўжаликнинг қанчалик тез юксалиб боришини кўрсатувчи жуда кўп мисоллар келтирилди.

Қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлашнинг мунтазам системасини ишлаб чиқиш зарур бўлиб қолди. Кенгашда раҳбарларни илғор колхоз ва совхозлар базасида ўргатиш, уларни дала ва ферма усталарининг иш методлари билан қуроллантириш муҳим эканлиги таъкидланди. Партия органлари ёш кадрлар билан ишлашга кўпроқ эътибор беришлари, уларни колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишга дадил жалб этишлари лозим. Қишлоқ хўжалигида ёш-ларнинг катта армияси меҳнат қилмоқда. Шу ёшларга амалий тажрибани, профессионал билимларни эгаллашда ёрдам берилганида, улар коммунизм қурувчиларининг муносиб ўринбосарлари бўладилар.

Мамлакатимиз зўр юксалиш даврига кирди. Совет халқи катта ва дадил қадам ташлаб коммунизм сари боромоқда. Ҳар бир киши ўзининг кундалик меҳнати билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришда, мўл-кўлчиликни вужудга келтиришда қатнашмоқда. Мамлакатнинг пахтакор республика меҳнаткашлари ана шу олижаноб ва эзгу мақсадга эришишга ўзларининг салмоқдор ҳиссаларини қўшадилар.

(«ПРАВДА»нинг 20 ноябрдаги бош мақоласи).

КЕККОНЕН СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛАДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 19 ноябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда махсус ахборот эълон қилинди. Ахборотда бундай дейилади: СССРнинг Финляндиядаги элчиси А. В. Захаров ташқи ишлар министри А. Карьялайнен ҳузурида бўлди ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Финляндия Республикасининг президенти Урхо Кекконенни 24 ноябрда Новосибирскда қабул қилишга тайёр эканлигини Совет Иттифоқи ҳукумати номидан хабар қилди.

Қанча пахта тонширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг бориши тўғрисида 1961 йил 20 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш — планга нисбатан, машина теримн ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими	
ХОРАЗ